

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot

O'RGANLAR YODI ABADIY



AZIZ JONLARINI
TINCHLIK VA OZODLIK
UCHUN FIDO ETGAN
QAHRAMON
YURTDOSHLARIMIZNI
ONA VATAN HECH
QACHON UNUTMAVDI

OTA UY

(badia)



...Тинчгина шаҳарда юрвудим, қишлоқни қўмсаб уйга отландим. Ҳовли торлик қилиб, тоққа йўл олдим. Мана охири келганим – «кенг» ерда ўтирибман, бутун дунёни кафтдагидек кўриб. Одамзот қизиқ, иссиққа ҳам, совуққа ҳам, узоққа ҳам, яқинга ҳам чидамайди. Ишга кетаётсам қишлоқдан зўрға, ўз-ўзимни авраб, араг чиқиб кетаман. Вақт ўтиб қишлоққа отлансам ҳам шу аҳвол. Шаҳарда кўз илғамас ришталар билан юзлаб юмушларга боғланиб қолганимни ҳис қиламан. Бирини бажарсанг, иккинчиси қолиб кетади. Нима бўлса бўлар дейман-да, бир силтаниб катта йўлга, ундан уловга чиқиб оламан. Бу йўллардан қаерларга бориш мумкин? Йўл бўйлаб юзлаб, минглаб хонадонлар. ● 8

ZARRADAN

larzaga keldi bu dunyo

Туни билан ёққан ёмғирдан сўнг табиат орасталанган келиндек гўзаллашибди. Яна бир тонгига етказганига шуқр. Дарвозани очиб, кўчага назар ташлайман: ҳаммаёқ жимжит. Йўлакларни тўлдириб келадиган ўқувчилар, ишга ошиқаётган катталар – ҳе..е..е..ч ким йўқ. Кўнгли тўлиб, кўзига ёш қалқийди, одамнинг. Қаердан келди бу офат-а?! Ўтган йилнинг декабрида Хитойнинг Уханида аниқланган кўринмас ёвнинг дунёни ишғол қилишига бор-йўғи уч ойдан ортиқроқ вақт керак бўлибди. Илоё, бу офатдан жумлаи жаҳонни ўзинг асрагин, қодир Эгам! ● 5



Tejamkorlik muhtojlikni bilmaydi



Айримлар тежамкорликни хасисликка йўяди. Аммо рўзғорга каттароқ нарса харид қилиш учун кундалик сарф-харажатни режалаштириш, яъни тежамкорликни йўлга қўйиш лозим. Масалан, менинг тўрт нафар фарзандим бор. Музлаткич, телевизор, чангютгичу кир ювадиган машинани навбати билан режалаштириб, даромадимизни ҳисоб-китоб қилиб харид қилганмиз. ● 7

“MATONAT MADHIYASI” DEB ATALGAN MUAZZAM OBIDA BARCHA O‘ZBEKISTON ONALARIGA QO‘YILGAN HAYKAL...



Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, деган ибратли гап бор. Дарҳақиқат, кексалари бор хонадонда кувонч, файзу барака, хотиржамлик ҳукм суради. Кексаларга эҳтиром, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш эса неча минг йиллардан буён яшаб келаётган боқий қадриятларимиздан ҳисобланади. Уларнинг ҳар бир ўғити, ҳаёт йўли барчамизни ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликда, аҳил-иноқ бўлиб яшашга ундайди. Зеро, хонадонларимиз фаришталари – кексаларимиз яқин ўтмишни бугун билан боғлайдиган кўприк бўлиб, ёшларни буюк неъмат – тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга ундайдилар.

Давлатимиз томонидан эса кексаларни эъзозлаш, ижтимоий қўллаб-қуватлашга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан юртимиз пойтахтида бунёд этилган Ғалаба боғи, унда қад ростлаган “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” монументлари ҳам фикримизнинг бир исботидир. Ғалаба боғида аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмунли дам олиш, оммавий маданий тадбир-

лар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур боғ Ватанга садоқат, ўз ҳаётини тинчлик ва озоқлик учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси бўлиб қолади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ғалаба боғининг марказида “Матонат мадҳияси” деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуг зияратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қониди, суяғиди бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улғу инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман”.

Бу йил ҳам мухтарам Президентимиз фармонида кўра, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига республика давлат бюджетидан бир марталиқ пул мукофоти – 10 миллион сўмдан пул маблағи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

– Минглаб сафдошларимиз оловли жанггоҳларда уруш қурбони бўлдилар. Бу йил ҳам давлатимиз раҳбари биз – кексаларни қадрлаб, пул мукофоти ва совғалар юборибди. Уларни қабул қилиб олиб, хурсанд бўлдик. Юртбошимиз билан видеоконференция орқали мулоқотда бўлдик. Сафдошларимиз билан суҳбатлашиб, хотираларимизни ўртоқлашдик. Ҳеч кимга у кунларни эслагулик қилмасин. У азобларни биз кўрдик, сизлар кўрманглар. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаллоҳ бўлсин. Ҳадемай, юртимизга тарқалган вирусни ҳам енгиб ўтамиз. Бизнинг халқ матонатли ва сабрли халқ. Улар ҳар нарсани енгишга қодир, – дейди 105 ёшни қаршилаган карманалик Пирназар бобо Турдиев.

Бугун кексаларимизга кўрсатилётган ҳурмат ва эҳтиром, уларнинг саломатлигини асраш ва ҳаётий тажрибаларидан унумли фойдаланиш келажакимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг эртанги куни янада порлоқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Абдували БҮРИЕВ,
журналист

DIQQAT: “OILA – MUQADDAS” ONLAYN TANLOVIDA FAOL ISHTIROK ETING!

15 май – Халқаро оила куни муносабати билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги жорий йилнинг 10-15 май кунлари “Оила – муқаддас” шиори остида “Энг яхши оилавий видеоролик” онлайн-танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун сиз оила аъзоларингиз иштирокида қисқа видеоролик тайёрлашингиз ва #oilamuxim ва #oilamuqaddas хэштеглари остида Facebook ёки Instagram саҳифангизга жойлаштиришингиз ҳамда @Oilafestbot телеграмм-ботига юборишингиз керак.

Давомийлиги 1 дақиқагача бўлган видеороликда оилангиз тарихи, оилангиз барпо этилганига неча йил тўлгани, оилавий сулолангиз аъённалар ва қадриятлари, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар, қизиқишлар, орзу-истаклар, келгуси мақсадлар акс этиши, умуман, оилангиз ҳақида бошқаларда ёқимли таассурот уйғота олиши лозим.

Видеороликни баҳолашда сюжетнинг ўзига хослиги, креатив ёндашув, янгича қарашлар ва ғоялар эътиборга олинади.

Телеграмм саҳифасида очик овоз бериш орқали аниқланган ғолиблар ноутбук, нетбук, планшет ва бошқа 100 дан ортиқ эсдалик совғалар билан тақдирланадилар.

Танловда қатнашнинг ва ғолиблар сафидан ўрин эгаллан!


Камола Мусурмонова жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди. У ушбу мукофот учун танловга ўн йил давомида ҳужжат топширган. Камолани илк бор “Китобхон оила” танловида кўргандим. Ўшанда уларнинг оиласи виллоятда биринчи ўринни эгаллаб, бош соврин – машина билан тақдирланганди.

Тўғриси, ўша танловда Мусурмоновлар оиласидаги бу қизнинг иқтидорига нафақат томошабинлар, балки рақиб иштирокчилар ҳам тан беришганди. Камоланинг зукколиги, ўқиган асарларини шунчаки баён эмас, таҳлил қилиб бериши, ҳар бир образга тўхталиб ўтиши, классик шоирларнинг ҳатто санаб ҳам бўлмайдиган даражадаги ғазалларини ёддан айтиши ҳар қандай кишининг ҳайрати ва ҳавасини келтирганди.

Шундай иқтидорли қизнинг мукофот илжинида йиллар давомида ҳужжат топширганидан аввалга бироз ажабландим. Аммо у билан суҳбатлашганим сайин, ўн йилдан бери мукофот учун ариза топшираётган қиз ўзи ўқиган бадий асарлари қаҳрамонлари каби ўжар, мақсадли, оғир-босиқ, танлаган соҳасининг ҳақиқий шайдоси эканлигини англадим. Аслида унинг мақсад сари интилиши китоб ўқишдан ҳам аввал пайдо бўлган, тўғрироғи шакллантирилган. Бу унинг оиласидаги турмуш тарзига бориб тақалади.

– Болалигимизда отам бизга ҳар ҳафта битта эртак ўқиб бериб, кейин биздан мазмунини айтишимизни талаб қиларди, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультети магистранти Камола Мусурмонова. – Биз бу талабни мажбурликдан эмас, балки қизиқиб, қани ким чиройлироқ айтиб бераркин,

КИТОВХОНЛИКДАН САВОҚ BERAYOTGAN QIZ



дея “имтихон” кунини кутиб бажарардик. Бунинг эвазига дадам бизни ҳар уч ойда бир марта шаҳар айлантиришга олиб борар ва албатта, китоб дўконига кириб, китоб танлашимизга имкон берарди. Эҳтимол, шаҳарда яшаётган болалар учун бундай саёҳат завқли бўлмагандир. Аммо Қўшработ тумани марказидан ҳам автомобилдан нақд бир соатлик масофа узоқликдаги қишлоқда яшайдиган биз, болалар шаҳардан, китоб дўконидидаги харидларимиздан бир олам таассурот билан қайтардик.

Отам ветеринар, онам физика фани ўқитувчиси бўлса-да, адабиётга меҳрлари бошқача. Отам дostonларни худди бахшилардай қўйлаб берар, биз эса оила даврасида мароқ билан тинглардик. Адабиётга шу тарихи меҳрим тушган. Кейин бошланғич синф устозим “қизингиз шеър ёзар

экан, уни ривожлантириш керак”, деб айтган тавсиясидан сўнг отам туман марказидаги 82-умумтаълим мактабига олиб борди. Болалик тасавури билан туман марказидаги бу мактабда Қўшработнинг олис, Пангат қишлоғидан келган қизалоқ қандай ўқийди, энг кучли, билимли болалар жамланган бўлса керак, деган ҳаёлларда ўз қобилимга ўралаиб қолдим бир муддат. Синфдошларим билан киришиб кетишимга ҳам ана шу тасавурларим халақит қиларди.

Бир куни мактабдаги она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз дарсдаги жавобимни барчага ўрнат қилиб кўрсатгач, синфдаги ҳасбим ўзгарди, аниқроғи, ўзимга қиёбатан ишонч уйғонди. Тўғриси айтсам, шу устозимнинг ишончи ханузгача менга далда бўлиб туради. Мактабда таълим

ҳақиқатан ҳам яхши йўлга қўйилганди. Ҳар ойда синфлараро у ёки бу фан доирасида беллашувлар, шеърхонлик, ғазалхонликлар, аниқ билимлар юзасидан викториналар бўлиб турарди. Табиийки, ҳар бир синф бу беллашувларда ғолиб чиқишга ҳаракат қилар, жиддий тайёргарликлар кўрарди. Қўллаб шеър, ғазалларни ёд билишим шу беллашувлар натижаси бўлса керак.

Камола билан китоблар, унга меҳр қўйиш ҳақида соатлаб суҳбат қуриш мумкин. Оиласидаги китобхонлик муҳити, илмий фаолияти йўлидаги изланишлари ҳақида камгап қиз жўшиб гапирарди. Аммо ютуқлари ҳақидаги далилларни ундан олиш жуда қийин. Билганимиз – ўзбек филологияси факультети магистрантининг Франция, Польша, Германия, Сербия давлатларида илмий мақолалари чоп этилган, Туркияда ўтказилган конференцияда иштирок этиб, “Мактаб дарсликлариде Ватан концепти ва таълими ҳамда таҳлили” мавзусида чиқиш қилган. Инглиз тилини мукамал билади.

Айни карантин кунларида ҳам Камола бекор ўтиргани йўқ. Унинг муваффақиятлари қўшработлик ёшларнинг китобга қизиқишини ўн қарра ошириб, ундан маслаҳат сўраб мурожаат қилувчилар кўпайган. Уйдаги озулаб китоблардан ташқари 1,5 мингта адабиётни жамлаган электрон кутубхонасидан қўшработлик ёшлар унумли фойдаланишмоқда. Уларга онлайн тарзда китобларни улашиш билан бир қаторда ўқиш бўйича ҳам тавсиялар бермоқда.

Гулрух МҮМИНОВА.
oilavajamiyat@mail.ru

OILA DAXLSIZLIGIGA PUTUR YETMASIN

yoхud oilaviy masalalarni yoritganda jurnalist uchun “ustun taraf” kim bo'lishi kerak?

Азиза останада қадрдон дугонасини кўриб, суюниб кетди. Негаки, турмуш қургач, рўзғор ишларига берилиб, дугоналар билан учрашувларга бормай қўйганда. Устига-устак, қайнонаси бир жойга юбормасди. Тўйдан бироз муддат ўтиб, турмуш ўртоғи бошқа вилоятга ишга кўчгач, қайнонаси ўглини ёлғиз юбориб, келинни ўзи билан олиб қолди. “Энди битта келин кўрдим, мен ҳам қайноналик гаштини сурай, келин хизматимизни қилсин”, дерди.

Баъзи кўни-кўшнилари Кумри холининг бундай ёндашувини “яхши қилибсиз” деса, у гурурланиб кетарди. Айримлар эса “ўзгилсиз ёш бўлса, оиладан совиб қолади”, деганда қулоққа илмасди. Шундай қилиб, ўғил оиладан узоклашди. Аввалига уйга тез-тез келиб турадиган кувё, бора-бора ойда икки бир келадиган одат чиқарди. Кейинчалик оёғи “узилди”. Бирон тўй-маърака бўлиб қолса кўриниш беради, акс ҳолда йўқ. Азиза эса табиатан босиқ бўлгани учун бунга сабр қилди. Кун келиб қайнонасининг фикри ўзгаришига умид боғлади.

Ана шу кунларнинг бирида Азиза дугонаси уни йўқлаб келганидан ўзида йўқ севинди. Мадина газетата ишларди. Олийгоҳда ўқиб юрган кезлардаёқ журналистика соҳасида иш бошлаган. У ҳам оилали, фарзанди бор.

Икки дугона дилдан суҳбат қурди. Суҳбат асносида Мадина дугонасига айна дамдаги ҳаётини борица сўзлаб берди. Уни қийнаётган, юрагини эзаётган, “чала” турмуши ҳақида ҳасрат қилди. Лекин қайнонасини зинҳор ёмонотликка чиқариш мақсадида эмас. Шунчаки, кўнглини ёзиш учун. Дугонасидан таскин сўзларни, кайфиятни кўтарадиган гапларни эшитиш мақсадида, албатта. Ва шундай бўлди ҳам. Лекин...

Азизанинг бошидан кечираётганлари ва икки томчи сувдек бир хил зерикарли ҳаётни Мадина қоғозга туширди. Қайнонага хуш келмайдиган, унинг жигига тегадиган рўй-рост гаплар билан мақолада асосий урғунини унга қаратди. Танганинг иккинчи томонини кўрсатмоқчи бўлди.

Газета чиққач, Азизага уни бир энлик хат билан почта орқали жўнатди. Афсуски, жўнатма энг аввал қайнонанинг кўлига тушди. Кумри хола нашрни арақларкан, не кўз билан кўрсинки, худди келиннинг ҳаёти акс этган бир мақола ёзилган. Оиладаги воқеалар ҳаммаси оқизмай-томизмай ёзилган. Бундан жаҳли чиққан қайнона, газабу нафратга тўлиб тошди. Азиза маломатга қолди. Унинг дугонасига сўзлаб берган қисмати қимматга тушди...

Оила масалаларини ёритишда, биринчи навбатда, шахс дахлсизлиги, унинг шаъни, жамиятдаги обрўси муҳим. Афсуски, баъзида айрим ҳаммаслар буни унутиб қўяди. Ахир ўзгалар шах-

сий ҳаётига уларнинг розилигисиз ара-лашиш, биринчидан, қонунга хилоф. Қолаверса, яхши эмас. Бундай пайтда бировга яхшилик қиламан деб, қайтага ноқулай вазиятга тушириб қўйиш, унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориш ҳеч



гап эмас.

— Айтиш жоизки, бугун ўзбек оиласида айрим кўнглисиз воқеалар ҳам содир бўляпти, — дейди филология фанлари доктори Мунаввара Ёқуббекова. — Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг заифлашиб бориши, шахслараро муносабатларда рўй бераётган кескинликлар, эмоционал зўриқиш, ажралиш билан бирга, барқарор бўлмаган, муваффақиятсиз оилалар сони ортиб бормоқда. Болалар ва ўсимирлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиб, оилавий муносабатлар замирида рўй бераётган салбий ҳодисаларнинг ортиб бораётгани оилавий муносабатлардаги низола, психологик муҳит ва шахслараро муносабатларнинг носоглом тус олишига сабаб бўлмоқда.

Оиланинг бир бутунлигига шовшувли хабарлар, ажиотажлар етарлича таъсир кўрсата олади. Арзон обрў-эътибор қозонишни истаган айрим

нашрлар у ёки бу оилада рўй берган вақтинчалик кўнглисизлик ва келишмовчиликларни ошириб, кўпайтириб, қўшиб-бичиб эл-юртга ошкор қилиши натижасида азият чеккан оилалар ҳам йўқ эмас. Бу борада, айниқса, интернет сайтлар илдамлик қилаётгани бор гап. Ўз ўқувчилари сонини сунъий равишда ошириш мақсадида бир сўз билан айтганда, ўз манфаатини кўзлаб, ёлгон хабар тарқатиш ёки бирор воқеани бўрттириб кўрсатиш касб этикаси қоидаларига асло тўғри келмайди. Устига-устак, одоб-ахлоқ мезонларига ҳам мос эмас.

Ўзбек миллий журналистикасида

Дарҳақиқат, ўзини оиланинг бир бўлаги деб ҳисоблаган кишиларнинг барчаси ўз оиласи шаънини ҳар нарсадан устун билади. Оиладаги ҳар бир инсон оиладошларининг ютуқларини ошириб, кўпинча хато ва камчиликларини яширади. Оила аъзоларидан бирортаси кўнглисизликка дуч келса, овоза қилмасдан энг ичида, киши билмас ҳолда ҳал этади. Бу билан оиланинг обрўсини сақлайди.

Тан олиш керак, айрим ҳолларда журналистик материал тайёрлаш жараёнида қахрамонни ёмонотлик қилиб қўйиш, ёки ўта хокисор қилиб кўрсатиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Дейлик, қайнона ўта зулмкор, келин эса яхши ёки келин бетгачопар, қайнона мум тишлаган... Аслида ҳар икки тарафда ҳам етарлича нуқсонлар топилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан журналист холис ва бетараф бўлмоғи, мавзунини оғишмаган ҳолда ёрита олиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар икки томонга кўзгу тутсин, улар ўз аксини кўзгуда топиб, камчиликларини тан олиб, уларни бартараф этишга киришсин. Ана шунда кўзланган натижага эришиш учун йўл очилади. Акс ҳолда, яхшини ёмонга айлантириб, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш ҳеч гапмас.

Шу боис, оилада бирор низо келиб чиқиб, унинг ечимини топилиб қолса, ёши улғу, кўпни кўрганларга маслаҳат солинади. Дуч келганга дардиҳол қилинмайди. Оиладаги нозик ва низоли масалаларни ёритадиган журналист ҳам кўпни кўрган, ҳаётий тажрибага эга бўлмоғи лозим.

Филология фанлари доктори Беруний Алимовнинг “Ахборот глобаллашув жараёнида журналистиканинг янги вазибалари” мақоласидан қуйидаги фикрлари мавзунинг қанчалар долзарблигини белгилайди. “Бугунги ривожланган даврда барча соҳалар сингари ОАВ соҳасида ҳам туб бурилишлар ясалди. Ядро полигонларидан ҳам қудратли бўлган ахборий хуружларга, янги тамаддун — глобаллашув жараёнининг “хурмача қилиқ”ларига дош бериш учун эса профессионал жангчилар — журналистлар тарбияланмоқликларидаркор. Глобал ахборий маконда эса журналистлар ҳам сибасатчи, ҳам давлат арбоби, ҳам миллат ҳимоячиси сифатида фаолият юритмоғи жоиз”.


Бугун бирор оиладаги сирни ошкор этиш учун тўсиқлар деярли йўқ. Негаки, электрон почталар, ижтимоий тармоқлар ва месенжерлар бу тўсиқларни “бузиб” қира олди. Шундай шароитда журналист касб ва ахлоқ мезонларидан ўтмаслиги ҳамда ҳар бир воқеа-ҳодисани бўрттирмай ёки яширмай чўқур таҳлил қилмоғи керак, деб ўйлайман.

Наргиза ЮНУСОВА

TOSHKENT SHAHRINI AQOLISI QANCHAGA KO'PAYDI?

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида доимий аҳоли сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 2 586 851 кишини ташкил этди.


Туманлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра энг кўп аҳоли сони Олмазор туманида 369,6 минг кишини, энг кам аҳоли сони Бектемир



туманида 35,4 минг кишини ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри бўйича аёллар сони 1 322, 3 минг кишини, эркеклар сони эса 1 264, 6 минг кишини ташкил қилди. Кўрсаткичлардан шуни кузатиш мумкинки, аёллар сони эркеклар сонидан 2,2 фоизга кўпроқ.

Тошкент шаҳрида аҳоли сонининг жинси бўйича тақсимланиши (2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра)



Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Ахборот хизмати

ISMSIZ GO'DAKLAR NOLASI...



Азалдан биз ўзбеклар болажон халқимиз. Гўдакнинг хонадонга келиши, бахт ва омад, баракадан даракдир. Оиланинг қувончи ҳам айнан беғубор чақалоқнинг кулгуси билан мустаҳкамланади.

Аммо кейинги вақтларда, биргина смартфонимиз ёки компьютеримиздаги ижтимоий тармоқлар, расмий сайтларда эълон қилинаётган видео, аудио ва матнли хабарлар статистикасига назар солсак, турмушга чиқмаган ёш қизлар ёки вояга етмаган ўсмир қизлар томонидан қўйилган нотўғри қадам туфайли кўчалар, чиқиндиҳона ёхуд ҳожатхоналарнинг совуқ бурчакларида гоҳ тирик, гоҳ вужудини ҳаёт тарк этган минглаб исмсиз чақалоқлар ташлаб кетилмоқда. Бу хабарларнинг аксарияти куйидаги мазмундаги сарлавҳалар остида берилган: "Намангандаги чиқиндиҳонадан чақалоқ жасади топилди", "Жиззахдаги фермер даласида ташлаб кетилган эгизак чақалоқлар", "Чақалоқ ҳаётини кутқариб қолган ит",.... Бу номдаги хабарларнинг адоғи йўқ. "Она"нинг эса ўз жигаргўшасидан воз кечишига баҳона сифатида болани боқа олмаслиги, турмушга чиқмаганлиги, отасининг йўқлиги кўрсатилади. Демак, калаванинг ўзаги қизнинг оиласига, назорат ва тарбиянинг номукамаллигига бориб тақалади.

Надоматлар бўлсинки, оммага маълум бўлиб, жазосини олаётганлардан

ташқари ҳам "ёпиғлик қозон ёпиғлигича" қолаётган ҳолатлар, биз билмаган ва бохабар бўлмаган воқеликларнинг ҳад-ҳисоби қанча? Орамизда тирноққа зор ота-оналар ҳам йўқ эмас. Она "бахт"ига муяссар бўлган бахтиқорлар эса гўдак уволи нелигини билмай кўчага ташлашади. Ўзларининг айбларини беғубор гўдакка юклаб, воз кечишади. Хўш, муаммонинг илдизи қаерда? Сўроқ саволларнинг жўяли жавоби борми? Фақат гапларимизни тарбия ҳақидаги ваъзларга улайдиган бўлсак, аксариятимизнинг юзимиз буришади. "Ҳамма бир хил эмас", "ҳаётга бир марта келамиз, хоҳлаганча яшашга ҳаққимиз бор" каби иборалар қулоққа чалинади. Лекин бундай даҳшатли фожеаларнинг илдизини хоҳласак, хоҳламасак бош кўрган — оиладан қидирамиз. Оиланинг маънавий, руҳий соғломлиги жамиятни таназзулдан асрайди. Ҳалол йўл билан бино бўлган оила ўзининг кадр-қимматини ҳам сақлай олади.

Бугунги кунда аксарият оилаларда отанинг масъулият ва бурчларига пур-тур етгандек, гўё. Аслида, оталарнинг қаттиққўллиги, оналарнинг оқилона тарбияси билан вояга етган фарзанд —



Кейинги вақтларда, биргина смартфонимиз ёки компьютеримиздаги ижтимоий тармоқлар, расмий сайтларда эълон қилинаётган видео, аудио ва матнли хабарлар статистикасига назар солсак, турмушга чиқмаган ёш қизлар ёки вояга етмаган ўсмир қизлар томонидан қўйилган нотўғри қадам туфайли кўчалар, чиқиндиҳона ёхуд ҳожатхоналарнинг совуқ бурчакларида гоҳ тирик, гоҳ вужудини ҳаёт тарк этган минглаб исмсиз чақалоқлар ташлаб кетилмоқда.

хатога йўл қўймайди. Шу ўринда психолог Дилдора Раҳимованинг бу борадаги фикрларига қизиқдик.

— Жамиятимиздаги одамларнинг аксарияти бундай ҳолатда қизларнинг тарбиясиз ахлоқидан нолишади. Уларни қабул қилгиси келмайди. Бундай ҳолларда асосий муаммо ўша қизнинг оиласида бўладиган муҳитни назардан қочирмаслик зарур. Масалан, ҳар кун оиласида нотинчлик, эътиборсизлик, ота-она билан бўладиган даҳанани жанглари натижа-сида қизлар ўсмирлик даврида яқин инсонларидан нафратланиш, уларни алдаш ёки бўлмаса уйдан қочиш каби муаммоларга дуч келади. Бундай вазиятда қиз бола меҳрга ташна, ким яхши муомала қилса, ширин сўзлар гапирса унинг учун шу одамдан яхши-

си бўлмайди. Ва бунинг натижасида кўпгина боқира қизларимиз ёлғон яшиқ ваъдаларнинг қурбони бўлишади. Халқ тили билан айтганда, ота-оналар "ўтиш даври"да нафақат қиз бола, балки ўғил болаларни ҳам назорат қилиши зарур. Бунда фарзанд учун қаттиққўл ота-она ёки баджаҳл киши сифатида эмас, ваҳоланки, дўст, яқин сирдош бўлиш лозим. Шунда фожеали воқеалар қурбони бўлаётган гўдаклар жамиятимизда учрамайди.

Гулдек покиза гўдакни буюмдек кўчага улоқтирган, ота-онасининг бошини эгган, номусини ерга урган аёл номига доғ тушираётган қизларнинг истаклари хою-ҳавас, турли енгилтабиат

дўстлар даврасида ўзини "эркин" ҳис қилса не ажаб. Қулоқларига азон айтилмаган, исмсиз, ном-нишонсиз, бешикларга беланмаган, аллаларни эшитмаган, чиқиндиҳоналарда халок бўлаётган гўдаклар уволи у орсиз кимсаларни тутмасмикан? Боласидан тонаётган, ожиза ва руҳан тушқунликка тушган, балоғат остонасидаги қизларга бор муаммоларни юклаб, чет давлатларга қочиб кетаётган ўзбек ўғлонларидаги субутсизлики қандай кечириш мумкин? Шундай лаҳзаларда уруш вақтларидаги матонатли, заҳматқаш халқимизнинг етим болаларга бағрини очгани эсимизга тушади. Хулоса ўзингиздан. Бу каби ваҳшийликка қўл ураётганларнинг виждонига ҳаловат тилаймиз. Жамиятга, одамийлик фазилатларига хиёнат қилишдек қаро қисмат ҳеч биримизга келмасин. Оилани ҳалол ришталар билан боғлашда ёш йигит-қизларни шайтон васвасасидан огоҳ бўлишга чақирамиз. Зеро, ҳеч бир норасида ташландик ва тирик етим бўлмасин...

Чўлпоний АҲМЕДОВА,
Журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
табабаси

SHOKOLAD ZARARLIMI YOKI FOYDA? Bilasizmi?

Эзотерик (эзотеризм — мистик таълимотлардаги одамлар учун номаълум бўлган билимлар мажмуаси) мутахассис ширинликлар танани салбий энергиядан тозалаш қобилиятига эга эканлигини таъкидлашмоқда.

Ҳар бир инсон ҳаётида камида бир марта бирор ширинликни татиб кўрган, аммо ҳар бир кишининг унга муносабати турличадир. Баъзилар

учун шоколадсиз ўтган бир кун жазодек туюлса, бошқалар эса қойдаги бир қошиқ шакарга ҳам тоқат қилишолмайди.

Шоколаднинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ўрганган мутахассиснинг таъкидлашича, қадим замонларда шоколад фақат бадавлат одамлар учун тансиқ ширинлик ҳисобланган, чунки ҳар ким ҳам уни сотиб олишга қодир эмасди. Шу боис, бу ширинлик устида кўплаб махфий режалар амалга оширилди, у сеҳрли таъсирларга эга бўлди ва энг кучли сеҳри ва ҳурмат рамзи сифатида бошқаларга совға қилинди.

Қора шоколад соғлиқ учун нафақат фойдали хусусиятларга эга, балки инсон танаси ва онгини салбий энергиядан поклаши мумкин. Бу унинг аввал нордонликни, сўнгра ширинликни келтириб

чиқарувчи таъми билан боғлиқ. Нордонлик билан омухталанган ширинликнинг "очилиши"дан сўнг салбий қувватлар дарҳол чекинади. Табиий элементларга бойлиги сабабли бу шоколад зарарли ҳисобланмайди, айниқса, кўп ширинлик мумкин бўлганлар ҳамда калория истаганлар учун.

Сутли шоколад танани ижобий қувватлантиришга имкон беради. Ширинлик ва сут шаклидаги табиий қўшимчалар туфайли мия эндорфинлардан халос бўлади, кайфият яхшила-



нади, умумий соғлиқ ва фикрлаш тартибга келади. Эзотерик стрессли вазиятларда ёки нимадандир қайғули даврда сутли шоколад истеъмолини тавсия қилади.

Оқ шоколад тинчлантирувчи хусусиятга эга. Илгари бу ширинлик камёб бўлган, ундан ижобий фикрлаш билан ишлашни ўрганишга ёрдам бериш ва баъзан қарама-қарши жинслар эътиборини жалб қилиш учун фойдаланилган. Мутахассис оқ шоколаднинг бу каби ноёблиги бугунги кунда ҳам сақланиб қолганини истисно қилмайди.

У. ЙЎЛДОШЕВ
тайёрлади

ZARRADAN LARZAGA KELDI BU DUNYO

Туни билан ёққан ёмғирдан сўнг табиат орасталланган келиндек гўзаллашибди. Яна бир тонгига етказганига шукр. Дарвозани очиб, кўчага назар ташлайман: ҳаммаёқ жимжит. Йўлларни тўлдириб келадиган ўқувчилар, ишга ошиқаётган катталар – ҳе..е..е..ч ким йўқ. Кўнгли тўлиб, кўзига ёш қалқийди, одамнинг. Қаердан келди бу офат-а?! Ўтган йилнинг декабрида Хитойнинг Уханида аниқланган кўринмас ёвнинг дунёни ишғол қилишига бор-йўғи уч ойдан ортиқроқ вақт керак бўлибди. Илоё, бу офатдан жумлаи жаҳонни ўзинг асрагин, қодир Эгам!

ралари, шу курашга сафарбар этилган тиббиёт ходимларининг фидойиликлари, барча босқичлардаги махсус комиссиялар самарали ишлаб тургани бу офатни халқимиз ҳамжихатлик ва сабр билан енга олишига ишончини мустаҳкамлайди.

Тадқиқотлари билан дунё кезган биология фанлари доктори, профессор Ирина Владимировна Ермакованинг интернет тармоқларида россиялик журналист саволларига берган онлайн жавобларига таяниб айтидиган бўлсак, бу офат хатари, кўрсатадиган "қароматлари" ҳақида аввалдан огоҳ этилган, аммо, ишонмаганлар, "қассобга ёғ қайғу.." қабилда иш тутилаверган. Ермакованинг фикрлари қанчалар тўғри, билмадим, аммо "COVID-19"нинг давоси ҳам жуда оддий экан. Аммо вирус ордидан кўрайдиган даромадидан куруқ қолмаслик учун тақлиф инобатга олинмабди. Ҳали буни вақтнинг адолат тарозуси тортиб, у кашфиётми ёки тасодиф эканлигини, вирус қандай қилиб Уханга бориб қолганини тарих ўзининг равшан кўзусида намоиш этишига иймонимиз комил.

Не-не қирғинбарот урушларни кўрган, қаҳатчилик, ўт балоси, сув балоси ва яна қанча маршулотларни бошидан кечирган, парранда грип-

Дунёнинг таянч нуқтаси, тутиб тургани мен бўламан, дея кўкрак кераётганлар ҳам бугун кўзга кўринмас бало олдида лолу хайрон. Америка, Италия, Англия, Франция каби қудратли давлатлар ҳам йўқотишлар ордидан саросимада қолди. Ижтимоий тармоқларда Италияда аҳвол ниҳоятда аянчли эканлигини кўриб, юрагинг эзилиб кетади.



экан-да. Бугун уйда қолиш баҳонасида тонг қоронғусида ишга кетиб, хуфтонда маишатдан қайтадиган оталар ҳам болалари билан бир дастурхонда ўтиришга мажбур бўляптилар. Кафе-ю ресторанларнинг хоналарини банд этиб, ошхўрлик қилаётган оталар, таассуфки, оналар ҳам энди ўғил-қизларига озодалик, покизаликнинг шарофати нима-ю хонадонни саранжом сақлашнинг фазилати нималигидан сабоқ бериш зарурлигини ҳис қила бошлаган бўлсалар нежаб. Боласининг кундалигига ойлаб боқиб кўймайдиганлар энди онлайн дарсларини биргаллашиб қилаётган бўлсалар, қанийди. Ҳожи ошини урғи айлантриб, меҳмондорчиликини жойига қўядиган ҳожи ота ва ҳожи бувилар ҳам оила аъзоларини дастурхон атрофида жам этиб, одоб-ахлоқ, шарият аҳқомлари, миллий ўзлигимиз ҳақида суҳбатлар қураётган бўлсалар, қандай яхши. Ахир бу зарурат эмас, азалий қадриятимиз-ку!

Дунё бошига тушган офатни жийловлаш, халқни иқтисодий, маънавий қўллаб-қувватлаш борасида Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсатидан кўнгли тўлиб, гурурланмаётган ватандошимиз бўлмаса керак. Юртбошимизнинг учинчи апрел куни халқимизга яна бир бор қилган муурожаатини тинглаб, тасаннолар деймиз. Бошимизга шундай Сарбон ато этилгани бутун халқимизнинг бахти эмасми?! Менман деган юртларнинг сардорлари ҳам бугунгидай таҳликали кунларда фуқароларига бу қадар меҳрибонлик қила олмаётгани бор ҳақиқат.

Бу ғамхўрликларга жавобан эл саломатлиги йўлига жонини тикаётган шифокорлар, "Меҳр-мурувват ва саломатлик" фондиди тўлдирётган саховатпешалар, эпидемиологик осойишталикни сақлаш йўлида камарбаста

бўлаётган ҳарбийлар, миллий гвардия, шифохоналар ва карантин зонасини тезкор қураётган бунёдкорлар, бу ишларнинг бошида турган катта-кичик раҳбарлар, эл бирлашса, нималарга қодир эканлигини амалда исботлаб қўяптилар. Булар қаторига тезкор ва долзарб суҳбатлари билан хавотирда турган халқимизни ваҳимага тушмасликка, иқтисодий барқарорликни таъминлашга, саховатпешаликка, покизаликка, огоҳликка чақираётган, пандемия ҳолати ҳақида аниқ маълумотларни тезкор етказиб турган ҳамкасбларимизни ҳам қўшсақ, адолатдан бўлар.

Аммо... Бутун дунё бу офатдан қалқиб турганда унинг кўлами ва оқибатини ҳамон ҳис қилмаётганлар – жорий этилган қондаларни бузаётганлар, ҳатто карантин зоналаридан қочиб кетаётганларнинг борлиги ташвишланарлидир. Ўз ҳаловатини деб бутун юртни беҳаловат қилаётганларга қандай баҳо бериш мумкин?! Ахир бу азиз умримиз Яратган томонидан ҳаммамизга ҳам омонатга берилганини нима учун унутамиз? Омонатга хиёнатни гуноҳи азим дейдилар. Бу қилмишлар билан нафақат ўзимиз, балки бошқалар умрига ҳам зомин бўлиб, ўн, юз... чандон гуноҳга ботмоқ ва яна жавобгар бўлмоқ нечун?!

Бугун маъюс тортган кўчаларимиз гавжумлашади, боғча, мактаблар яна болаларнинг шўх-шодон қийқириқларига, мачитлар намозхонларга тўлади, байрамлар, тўй-тантаналар шодумонлигига ошно бўламиз ҳали. Ҳаёт ўз маромига қайтади, кўзга кўринмас заррадек офатдан ларзага келган дунё ундан халос бўлади, иншооллоҳ. Бунинг учун эса етиб келган манзилимизда туриб, ортага назар ташлайлик. Катта-кичик, билиб-билмай қилган гуноҳларимизга тавбалар айлаб, истиғфорлар айттайлик. Ўзимизни, диллимизни, уйимизни, амалларимизни поклашга ошиқайлик. Зеро, эзгу йўлда ҳам "бирники – мингга" кифоя қилишини унутмайлик, эй умри азиз!

Хадичахон КАРИМОВА,
Фаргона вилояти



Бутун инсоният бошига шунчалар ташвиш ёғдираётган бу балони даф этиш дунё олимларини жиддий излашишга мажбур қилляпти. Аммо фазоларни забт этган, минглаб тонналик юклар билан кемаларни сувда суздирган, тирноқдеккина нарасага бутун дунёни сигдира олган кашфиётчилар ҳозирча унинг пайини қирқиб ташлайдиган восита – вакцинани тўла кашф этолмади, бунга анча вақт керак бўларкан. Офат эса тобора қулоч ёйиб боряпти. Дунёнинг таянч нуқтаси, тутиб тургани мен бўламан, дея кўкрак кераётганлар ҳам бугун кўзга кўринмас бало олдида лолу хайрон. Америка, Италия, Англия, Франция каби қудратли давлатлар ҳам йўқотишлар ордидан саросимада қолди. Ижтимоий тармоқларда Италияда аҳвол ниҳоятда аянчли эканлигини кўриб, юрагинг эзилиб кетади. Давлат раҳбарлари вазиятни ўз вақтида баҳоламаслиги, бу ҳолатга беписандлиги халқига жуда қимматга тушяпти.

Юртбошимиз раҳнамолигида вазият тезда кўлга олиниб, барча зарур чоралар қўрилган мамлакатимизда ҳам кундан-кунга бу офат чангалини ёйиб бораётгани ташвишга солади одамни. Аммо давлатимиз раҳбари бало йўлига гов қўйиш юзасидан халқимизни бирдамликка чорлаб тургани, эпидемиологик вазият барқарорлигини сақлаб қолиш бўйича кўрилаётган тадбирлар, уйда ўтиришга даъват этилаётган аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш чо-

“Бугун маъюс тортган кўчаларимиз гавжумлашади, боғча, мактаблар яна болаларнинг шўх-шодон қийқириқларига, мачитлар намозхонларга тўлади, байрамлар, тўй-тантаналар шодумонлигига ошно бўламиз ҳали.”

Ахир давлатлараро, динлараро, мазҳаблараро низолар ордидан қанча-қанча одамлар қирилиб кетди, бутун бошли шаҳарлар вайроналарга айланди. Маънавиятга очқдан-очқ таҳдид туфайли ватангадолар, падаркушлар, инсонни одамийликдан мосуво этадиган, Яратган ҳаром қилган гиёҳлар ордидан бойишга хирс қўйган, халқларнинг ҳалолини ўмариб ейишни одатга айлантриган коррупционерлар етишиб чиқмадими курраи заминдошларимиз орасидан? Ривожланиш йўлидан дадил одимлаётган давлатимизда ҳам уларнинг пайини қирқиб қанчалар оғир кечаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Ҳар иш Аллоҳдан беамр бўлмас. Ўйлаб топилганми ёки тасодиф ордидан келган бу синовлар шунинг учун ҳам бошимизга тушгандир балки!

Ҳар ёмоннинг бир яхши томони бор



Хаммамиз иссиқ жон-миз. Бир кун ундок, бир кун бундоқ. Касал дегани сўраб, ё эшик қоқиб келмайди. Жисми жонимизни безовта қилаётган касаллик ўчоғини билиб, шифокордан керакли муолажани олишнинг ўзи ҳам бир муаммо экан. Нега дейсизми?

Ўтган йили яқин дугонам кўнғироқ қилиб, эри касаллигини айтиб озроқ пул қарз бериб туришимни илтимос қилди. Имкони бўлди дегунча қайтаришини ҳам айтиди. Жамғариб қўйганим бор эди, бериб юбордим. Шу ўртоғим яқинда ишхонамга, омонатингни қайтарай ўртоқ, дея кириб келди. Ва суҳбат орасида бечоранинг дарди дунёси очилди.

– Турмуш ўртоғим сентябрь охирларида, этим увишиб, мазам бўлмапти, шамолладим шекилли, деб қолди, – дея гап бошлади дугонам минг бир алам ва изтироб билан. – Аввал оилавий поликлиникага чиқдик, шифокор ёзиб берган дори-дармон кор қилмади. Шундан сўнг югур-югур бошланди: травматолог, ортопед, қайта-қайта рентген текширувлари... Травматологнинг такрорий текширувидан ҳам наф чикмагач, таниш жарроҳнинг маслаҳати билан хусусий клиникага – невропатолог қабулига кирдик. Невропатолог тавсиясига кўра томография ва унга қўшимча 20-30 турдаги умумий лаборатория текширувларидан ўтди. Энди яқиний ташхис қўйилишига умид қилиб турсак невропатолог лаборатория хулосасининг бир-иккитаси тағига чишиб, “Бу грижа эмас, таҳлиллар бунақа чиққандан кўра грижа бўлганим яхши эди, урологга бор”, деди. Урологга ҳам бордик. Унинг муолажасидан кейин эримнинг аҳоли сал яхшиланди-ю барибир оёғидаги оғриқ, шиш қайтмади. Чиқмаган жондан умид, деганларидек, яна бошқа невропатолог кўригига кирдик, невропатолог қон-томир докторига жўнатди... ва ниҳоят ана шу доктор маслаҳати билан ревматологга бордик. Ревматолог ҳам бир қанча қайта лаборатория текширувларидан кейин “Реактив артрит, III босқич, ўткир кечиси” деб ташхис қўйиб, муолажани бошлади. Бу орада декабр ойи яримлади – ташхис учун ой докторма-доктор, шифохонама-шифохона

TASHXISgacha...

bemor cho'ntagining ham "mazasi" qochdi



на сарсон бўлибмиз... Эримнинг аҳолини кўриб ич-ичимдан эзилдим, дунё кўзимга қоронғу бўлди. Даволашиб ўзини ўнглагунча қарийб бир йил ўтди. Уша кунларда азбаройи куйганимдан, ўзим касал бўлганимда ҳам бунчалик қийналмасдим, деган хаёлга ҳам бордим ҳатто...

Хусусий клиникаларда тиббий хизмат кўрсатиш турларининг текини йўқлигини, баъзи хизматлар отнинг калласидек ақчаллигини ҳамма яхши билади. Ҳатто бошқа бир клиниканинг тиббий лабораториясига, рентгени ёки, томография текширувига ишонқирамай, “Ўзимизда анализ топширинг, ўзимизда рентгенга тушинг, адрес бераман томография қилдириб келинг” дегувчи “хусусий” клиника шифокорлари ҳам бор. Шу икки оғиз “тавсия” неча пулга тушади?

Инсоний кечинмалардан бироз ортга чекиниб, масаланинг иқтисодий томонларини хомчўт қилиб кўрсак, яхшигина пул дегани бу. Дугонамнинг айтишича, ташхисгача асосан хусусий клиникалар эшигида сарсонгарчилиги такрор ва такрор тиббий текширувларга кетган вақт, руҳий эзилиш соғ одамни ҳам касал қилаёзгани етмагандек, чўнтагининг аниқ “мазасини” қочириб қўйган. Бўлмаса қарз сўрармиди?

Хусусий клиникаларда тиббий хизмат кўрсатиш турларининг текини йўқлигини, баъзи хизматлар отнинг калласидек ақчаллигини ҳамма яхши билади. Ҳатто бошқа бир клиниканинг тиббий лабораториясига, рентгени ёки, томография текширувига ишонқирамай, “Ўзимизда анализ топширинг, ўзимизда рентгенга тушинг, адрес бераман томография қилдириб келинг” дегувчи “хусусий” клиника шифокорлари ҳам бор. Шу икки оғиз “тавсия” неча пулга тушади? Ташхисгача бундай “тавсиялар” бир неча бор такрорланса-чи? Шундан кейин ўзаро суҳбатларда “Ҳозир пулинг

бўлмаса ўлиб кетасан...”, “Фақат пулингни шилади булар...”, “Докторлар пулинг бўлмаса саломингга ҳам алик олмайди” каби норозилик оҳангига гап-сўзлар болаёлади-да.

Шу ўринда яна бир жиҳат. “Ортиқча уч-тўрт сўм пулим кетсаям майли, хусусий клиникага бора қолай, пул олгандан кейин яхшироқ қарайди”, деган кайфиятдагилар ҳам кўп. Майлида, ким қаерни лозим топса, хусусийми, давлатникими, дардига даво топсин. Аммо ташхис излаб сарғайиб, ҳам вақти, ҳам нақди, ҳам асаби тарагланган бемор: “Бунча пулим кетди, оилам, болаларимнинг ризқини қийиб шунча текширтирдим, қатнадим. Бирортаси тайинли гап айтмаса, майли оёғим чўлоқ бўлиб қола қолсин...” – деса сукутда туриш соғлом инсоннинг юрагига қанчалар оғриқ солишини бир ўйлаб кўринг. Бу сўзларнинг жони оғриб турган инсон тилидан отилиб чиқишига ким сабабчи? Пул-ку топилади, аммо тиббиётда баъзан сониялар ҳам инсон ҳаётини сақлаш учун кифоя қилишини ёки аксинча бўлишини эшитганман. Мана, масаланинг бош қотирадиган муҳим томони қаерда?.. Муаммони биз оддий одамларда тиббий маданият етишмаслиги биланми ёки тиббиёт ходимларида масъулият, ишга бўлган муносабатда бироз оқша бор, деб баҳолаш керакми, билмадим?..

Кейинги йилларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳақида кўп ва хўп гапириляпти, республика миқёсида қатор амалий ишлар олиб бориляпти. Бунинг натижаси ўларок, ҳозир кўпчилик “сал шамол тегибди, йўги кетади” дея хафсаласизликни йиғиштириб, дарров шифокорга борадиган бўлган. Ширин муомаласи, керакли тавсия-муолажалари билан қабулига келган бемор дардига дармон бўлаётган ўз касбига фидойи шифокорларнинг ҳам сафи кенг. Соғлиги тикланиб, оёққа турган инсондан, барака топсин, қўли енгил шифокор экан, дея миннатдорлик изҳорларини эшитиш қанчалар ёқимли.

Мақсадимиз бундай вазиятларда кимнингдир айбини ахтариш, уни бармоқ билан кўрсатиш эмас. Бефарқлик, лоқайдлик каби ҳар қадамда таъқиб қилиб турадиган иллатларни ўзимиздан, ҳаётимиздан йироқлаштириш вақти келганини айтмоқчимиз, холос.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

BOLANGIZ TIRNOQLARINI KEMIRSA

Мутахассисдан бундай ёмон одатдан қутулишга ёрдам берувчи маслаҳатлар.

Бу одатдан азият чекаётган болалар кўплаб жиддий касалликларни юктириб олиш хавфи остида, дейишмоқда мутахассислар.

Боланинг тирноқларини кемириши – энг ёқимсиз ва зарарли одатлардан бири ҳисобланади. Бу кўплаб юқумли ва паразитар касалликларга сабаб бўлади, тишларни юмшатиб, эмал ҳолатини ёмонлаштириши ҳамда бармоқлар кўринишига зарар келтиради.

Шу билан бирга, тирноқларни чайнашга стресслар, ўзига етарли баҳо беролмаслик, ташвишлар, тажовуз, кўрқув, оиладаги жанжаллар, витамин етишмаслиги ва ҳатто жисмоний қониқиш олиш сабаб бўлиши мумкинлигини англаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун, агар фарзандингиз тирноқларини шимса, жиддий уйлашингиз керак: бу хатти-ҳаракатнинг сабаби нимада?

Тирноқларни тишлаш одати, айниқса, мактабда фаоллашади. Чунки бу ерда болалар ташвишланиш ёки оддий зеркиши каби асосий омилларга дуч келади. Шу билан бирга, мактаб касалликлар осонгина тарқалиши мумкин бўлган энг хавфли жойлардан бири, айниқса, анча жиддий касалликлар юқиси хавфи ҳам мавжуд ҳозирги кунда.

Хўш, болани бу одатдан қутқариш учун нима қилиш керак:

✓ Дорихоналарда сотиладиган махсус тирноқ бўёғидан фойдаланинг.

Шифокорлар бу усулни икки ёшдан бошлаб қўллашни тавсия этишади. Махсус гипоаллерген бўлиб, боланинг ошқозони билан боғлиқ муаммоларга олиб келмайди, аммо у жуда ёқимсиз ҳидга эга ва бу болани таъсирлантириши мумкин.

Ўғил болалар учун рангсиз бўёқлар бўлади ва у мутлақо табиий кўринади. Қизалоқлар тирноқчаларига эса ёрқин бўёқлардан фойдаланинг, чунки турли рангларда жилонанган ранглар улар-



нинг қизиқишини оширади.

✓ Аънавий усуллардан фойдаланинг.

Улар унчалик ҳам самарали эмас, лекин ҳамон эътиборга молик. Сиз боланинг бармоқларини хантал, лимон ёки саримсоқ шарбати билан бўяшингиз мумкин. Лекин улар бармоқлари билан кўзларини ишқолаши хавфи борлигини ва бу янги муаммоларни келти-

риб чиқаришини ёдда тутинг. Бундан ташқари, қўлларни шувоқ давлмаси билан ювишингиз мумкин, бундан бармоқлар аччиқ, ёқимсиз таъмга эга бўлади.

Ҳар қандай усулдан ҳам фойдаланишдан олдин мутахассис билан маслаҳатлашинг.

УЙЎЛДОШЕВ
тайёрлади.

oilavajamiat@mail.ru

ТЕЖАМКОРЛИК МУНТОҶЛИКНИ БИЛМАЙДИ

БИР СИҚИМ УН

Катта қозонда қайнаётган сувга она болалари териб келган исмалоқ, жағ-жағ, ялпиз каби кўкатларни солди. Кейин болаларнинг энг каттаси Роҳилага қазноқда илиниб турган халтадан бир пиёла унни узатди. Роҳила онасининг кўзини шамғалат қилиб бир қисм унни кичиккина халтачага жойлади. Қишин-ёзин шу. Баҳорда кўкатлар, қишда эса турли қуритилган мевалар қўшилган атала.

— Опа, нега ҳар доим онам берган ундан бир сиқим олиб қўясиз. Бу ўғирлик эмасми? — деди бир куни етти-саккиз ёшли болакай, Роҳиланинг укаси.

— Йўқ бу ўғирлик эмас. Ҳеч нарсамиз қолмаганда бир кунимизга ярайди. Фақат сен буни ҳеч кимга айтмагин ҳўпми.

— Ҳўп, ҳеч кимга айтмайман...

Қишининг совуқ кунларида Роҳила қаттиқ шамоллаб қолди. Уйда ёйишга ҳеч вақо йўқ, онаси дамлаб берган олма чой эса болаларнинг қорнини тўйдириш ўрнига, бадтар очқатаётган эди.

Болакай онасининг бош томонига ўтди. Пешонасига қўлини қўйди.

— Мунча иссиқ, — дея тортди олди.

Бемажол ётган онаси арағ кўзини очди:

— Сенмисан укажон, мен яшириб қўйган уннинг қаердалигини биласан-а?

— Ҳа, биламан.

— Ун бир пиёла чиқса керак, онамга олиб бор. Атала пишириб беради.

Болакай ириб ўрнидан турди. Ун яширилган жойга борди. Онасининг унни кўриб қувониб кетишини ўйлаб шашганча сандиқ орқасидаги тугунчани олди. Сандиқнинг қирраси билагини шилиб юборди. Аммо у оғриққа парво қилмади. Тугунчани маҳкам бағрига босганча онаси ўтирган уй томонга кетди. Аммо яна ортига қайтди. Тугунчани ерга қўйиб очди ва бир қисм унни олди, эски газета парчасига ўради. Сандиқнинг орқасига бир қисм унни яшириб келди. Қилган ишидан кўнгли тўлиб онаси ўтирган уй томонга югуриб кетди.

Бу воқеанинг қаҳрамонлари уруш болалари — бири аммам, бири отам. Раҳматли отам бизга бу воқеаларни айтиб берганида бизга эртадек туюларди. Бугунги кун билан у даврларларни солиштириб бўлмайди асло.

ТЕЖАМКОРЛИК

ХАСИСЛИК ЭМАС

Мана қарийб беш ойдики, бутун дунёда коронавирус сабаб ка-



тимиз томонидан дарҳол чек қўйилди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиб кетиши олди олинди, зарур чоратadbирлар кўрилди.

И ж т и м о и й тармоқларда маҳалла томонидан одамларга тарқатилётган озиқ-овқат маҳсулотларидан камчилик топиб, норози бўлганларни ҳам кузатдик. Ҳаттоки берилган озиқ-овқат маҳсулотларини қайтариб бераман, дея суратларини ижтимоий тармоқларга жойлаганлар ҳам кўп бўлди.

Юқоридаги уруш даври воқеаларини бежизга эсламадик. Аслида бугунги кун билан у даврларни таққослаш унчалик ҳам тўғри эмас. Лекин эътибор бериш керак бўлган жиҳатимиз тежамкорлик эди. Онаси ўлчаб берган унни бир қисмдан тежаган қиз, онаси тежаган ундан яна бир қисм олиб яшириб қўйган ука... балки мана шу тежамкорлиги уларнинг тирик қолишига туртки бўлгандир.

“
Юқоридаги уруш даври воқеаларини бежизга эсламадик. Аслида бугунги кун билан у даврларни таққослаш унчалик ҳам тўғри эмас. Лекин эътибор бериш керак бўлган жиҳатимиз тежамкорлик эди. Онаси ўлчаб берган унни бир қисмдан тежаган қиз, онаси тежаган ундан яна бир қисм олиб яшириб қўйган ука... балки мана шу тежамкорлиги уларнинг тирик қолишига туртки бўлгандир.”

навбати билан режалаштириб, даромадимизни ҳисоб-китоб қилиб харид қилганмиз. Яъни йиллар давомида пул йиққанмиз. Шунинг учунми, бу нарсалар бизга қадрли. Уларни авайлаб-асраб ишлатишга ҳаракат қиламиз. Ахир айтишади-ку, тежамкорлик инсонга ҳамма нарсанинг қадрига етишга ўргатади, деб. Ўқувчиларим орасида ҳам ота-онаси берган пулларини қадрлайдигани ҳам қадрламайдигани ҳам бор. Мен буни уларнинг саранжом-сарийшталигида кўраман. Яъни тежамкор оиланинг фарзандларида ўқув қуроллари ҳам доим тартибли бўлади.

Ҳусан Мамедов, иқтисодчи:

— Ҳар бир оила ўзига оила бюджетини ҳисоб-китоб қилиш учун дафтар тутиш керак. Энг аввало, бир ҳафтада, ҳар ойда ва йилда қанча даромад қилинишини ёзиб бориш зарур. Бунда барча даромадлар — ойлик пули, пенсия, стипендия, томорқадан олинадиган маҳсулотларнинг нархи ҳисоблаб борилиши шарт. Ойлик даромадларининг келадиган кунини ҳам ёзиб қўйишни унутманг. Кейин сарфлана-

ёзиб боришни ҳам эсдан чиқарманг. Ана шунда пулингизни нима учун сарфлаганингиз аниқ бўлади, қаерда исрофгарчиликка йўл қўйганингизни билиб оласиз. Ҳаммага маълумки, оила маблагининг кўп қисми майда-чуйдага кетиб қолади. Худди мана шу майда-чуйда жуда қимматга тушар экан. Бу кундалик эҳтиёжларимиз совун, кир ювиш кукунлари, тиш пасталари, сигарет, ھўрозқанд, писта, сақич, қурут, шоколод, музқаймоқ дегандек, доим сарф-харажатни талаб қиладиган нарсалар. Шундай экан, ана шу майда-чуйдаларнинг сарфини назорат остида тутмоқ керак, бири харид қилинган иккинчисидан тийилиб турмоқ хасислик эмас, балки тежамкорлик бўлади.

Сизнинг тартиб-қоидагизни кўриб улғайган фарзандларингиз ҳам келажакда шу йўлдан боради.

Юқоридаги мулоҳазалардан шуни аниқлаш мумкинки, бугунги қийин вазиятларда ҳам тежаган, тадбирли одам ютади. Озиқ-овқат маҳсулотларини тежаб ишлатган, шу пайтгача тежаб йиққан маблағи бугунги кунга асқотаётганларнинг бошқалардан ёрдам кутишга ҳам ҳожати йўқ аслида.

Ривоят: ЯНА БИР СИҚИМ УН ҲАҚИДА

Бир ривоятда оқила аёл саранжом-лиги туфайли турмуш ўртоғини қийин вазиятдан чиқаргани баён қилинади: Вафот этган бир аёлнинг қўшинлари уни хотирлаб яхши хислатларини эслаб ўтиришган экан. Марҳумани жуда яхши биладиган ҳамсояси шундай дебди:

— Бир гал у қизини узатаётганда роса кийинтирди, олтинкумушлардан тақинчоқлар тақиб қўйди, шойи-ю ипақлар, атласу кимхоблар билан ўради. Хуллас, қизига қилиниши керак бўлган ҳамма сепини қилиб берди.

— Бу молу мулк, сарпою сеплар қаёқдан келди? — дебди унинг эри ҳайрон бўлиб. — Тезроқ тушунтир. Худо ҳаққи, биз ахир бадавлат эмасми, ота-боболарингдан ҳам мерос қолмаган, хиёнат қилиб мол топангина ҳам ишонмайман, чунки сен садоқатли аёлсан. Ё ҳазина топдингми? Нима бўлгандаям, сен менинг оғир юкимини енгил қилганидан, тўй қилиш, сеп йиғиш ташвишдан қутқаргансан.

— Мен қизим туғилгандан бери ҳар куни нон ёпадиган унимдан бир ҳовучини олиб қўярдим. Биласиз-ку биз оиламизда ҳар куни нон ёпиларди. Олиб қўйган уним йиғилиб ўн қадоқ бўлганида, унни олиб бориб сотардимда, қизимга ул-бул оламан, деб пулни йиғиб қўярдим. Мана шу сеп ўша йиққанларимнинг натижаси, — деб жавоб берибди аёл.

Тежамкорлик шунчаки ташлаб юбормаслик, йиртмаслик, булғамаслик, синдирмаслик укуви ёки одати эмас. Бу энг аввало, ахлоқий фазилат, маънавий барқарорлик, ички маданият кўрсаткичидир. Албатта яхши даромад топаётганларнинг тежашдек катта меҳнатни ҳеч қачон билмай ўтаётганларга ҳавас қилсак арзийди, аслида ҳар бир инсон яхши даромадга эга бўлишга ва ҳеч нарсага зорикмай тўқин-сочин яшашга ҳақли. Аммо эл бошига иш тушганида, бугунгидай вазиятларда тежаш оғир вазиятлардан чиқишнинг энг тўғри йўлидир.

Барно СУЛТОНОВА

Айримлар тежамкорликни хасисликка йўяди. Аммо рўзғорга каттароқ нарса харид қилиш учун кундалик сарф-харажатни режалаштириш, яъни тежамкорликни йўлга қўйиш лозим. Масалан, менинг тўрт нафар фарзандим бор. Музлаткич, телевизор, чангюткичу кир ювадиган машинани навбати билан режалаштириб, даромадимизни ҳисоб-китоб қилиб харид қилганмиз.

рантин. Бу дегани йўғон чўзилиб ингичка узиладиган даврни бошдан кечирмоқдамиз. Ўзбекистонда карантин эълон қилинганига икки ой бўлди. Карантин эълон қилинган дастлабки кунларда озиқ-овқатларни меъёридан ортиқ ғамлаш ҳолатлари ҳам кузатилди. Аммо бунга давла-

Маҳлиё Тўлаганова, ўқитувчи:

— Айримлар тежамкорликни хасисликка йўяди. Аммо рўзғорга каттароқ нарса харид қилиш учун кундалик сарф-харажатни режалаштириш, яъни тежамкорликни йўлга қўйиш лозим. Масалан, менинг тўрт нафар фарзандим бор. Музлаткич, телевизор, чангюткичу кир ювадиган машинани

диган ва сарфланган харажатларни ёзасиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший эҳтиёж, шахсий харажат учун, тасодифий харажатлар(турли маросимлар — ҳамма-ҳаммасини кунлик, ойлик, йиллик қилиб ёзиб борасиз. Айрим ҳолларда қарз кўпайиб кетса, унинг миқдорини ҳам қайд этиш лозим. Кунлик харажатларни



ОТА УЙ

(badia)



...Тинчгина шаҳарда юривдим, қишлоқни кўмсаб уйга отландим. Ҳовли торлик қилиб, тоққа йўл олдим. Мана охири келганим – «кенг» ерда ўтирибман, бутун дунёни қафтдагидек кўриб. Одам-зот қизиқ, иссиққа ҳам, совуққа ҳам, узоққа ҳам, яқинга ҳам чидамайди. Ишга кетаётсам қишлоқдан зўрга, ўз-ўзимни авраб, аранг чиқиб кетаман. Вақт ўтиб қишлоққа отлансам ҳам шу аҳвол. Шаҳарда кўз илғамас ришталар билан юзлаб юмушларга боғланиб қолганимни ҳис қиламан. Бирини бажарсанг, иккинчиси қолиб кетади. Нима бўлса бўлар дейман-да, бир силтибни катта йўлга, ундан улвога чиқиб оламан. Бу йўллардан қарларга бориш мумкин? Йўл бўйлаб юзлаб, минглаб хонадонлар.

Олдинда яна қанча? Улар орасидаги биргина уйга интиқман. Фақат ўша манзилдагина шодумонлик нималигини англайман. Машинанинг бир маромда гувиллашидан бир оз мизғиб, алоқ-чалоқ туш кўрибман. Қаттиқ зилзила бўлаётганимни. Кўпчилик уйлари-нинг деворлари ёрилиб кетган. Уйга кирар-кирма-симдан осмонни куюқ булут қоплаб, жала бошланибди. Бирпасда ҳовлилардан сел ариқдек оқа бошлади...

Беўхшов сигналдан сергақланиб, кўзимни очдим. Катта йўлда питиллаб кетаётган машинадаман. Атрофни жи-им кузатаман. Йўлимда учраган ҳар бир нарса нимагадир ишора қилаётгандек. Бугдойзорлар шамолда денгиздек чайқалади. Сарғая бошлаган бошоқлар бош сил-

китиб хўшлашади. Қишлоғим, Ойқорнинг қорли тоғлари олислардан кучоғини очиб қаршилайди. Ойлар ўтиб яна қайтаётганимдан севинади, менимча. Жилғаларидаги сув ўйноқлаб пойимга шошилади. Ундаги шаффофлик қалбимга кўчади. Шаҳарга кетаётганимда тоғлар тунд қиёфада бўлади. Буни катта йўлга чиқиб, ортимга қараганимда сезаман. Майин шаббода билан елкамга қоқиб, далда беради. Бундан куч-қувватга тўлиб, яна илдамроқ илгарилариман. Қайтаётганимда илонизи чўққилар пастлаб келаётгандек, қаршимга пешвоз чиқиб, пешонамдан ўпмоқчи бўлиб эгилаётгандек туюлади.

Мана ҳозир ўша чўққиде соғинчларимни айтиб ўтирибман. Қишлоққа узоқ термуламан, чайқалаётган

дарахтзорга ўхшайди. Хув, ана, қишлоқнинг боши — катта қир. У ерда қадимий қабристон бор. Қир устига чиққанда юрак бир ҳаққиради-эй: «Яна келдим, эй, жонажон қишлоғим, сени қанчалар соғинганимни, қароғимда опичлаб юрганимни тасаввур қила олмайсан. Уйинқароқ бола кўнглини хушлагани келди, десанг адашасан. Йўқ, мен сени ўзимдан ҳам яхши кўраман. Тупроғингга сингиб кетгим, сенга жо бўлгим бор. Баҳору кузда кичкинтойларнинг юрагига кўрқинч солиб деразаларни чертадиган, томларни тақиллатиб қочадиган шамолга айланиб, ҳар бир хонадондан хабар олгим келади...»

Ҳовлида куймаланаётган онамни кўра солиб, кучоғига отаман ўзимни. Ажинлари кўпайгандек кўринади. Отам ҳассага таяниб, ҳовлига чиқади. Уйга кирарканмиз, уни бир четга улоқтираман, шу ёғоччалик нафим тегмаётганидан гашим келади.

Вақт, замон ва макон моҳиятини йўқотади. Бир пасда қоронги тушади. Баркут булутлар устида сузаётган-дек, тоғлар алла айтаётган-

дек уйкуга кетаман. Тинчиқиб бузадиган соат кўнгириги ўрнига гиёҳларнинг хуш бўйидан, қушларнинг чуғур-чуғуридан уйғонаман. Очқ эшиқдан пурвиқор тоғларни томоша қилиб ётаман. Унинг энг баланд чўққисига чиқиб ҳайқиргим келади.

Ҳозир худди ўша ердаман. Хоҳлаганимча бақираяпман. Бирор кимса сас бермайди. «Ўт-ўланларга тирмашиб чиқсаммикан», деган ўй ўтади хаёлимдан. Қовжиратган майсалар кўлимда гижимлиниб кетади. Ичимда бир нима узилади. Умидсизланаман. Қишлоғимга термуламан, бола хаёлларим билан кўчаларни айланаман.

Ҳозир онам ҳамиша неваралари қуршовида. Бир гал отам билан шифохонага келиб, икки-уч ҳафта қолиб кетишди. Онаминг жиянчанинг расмини қайта-қайта ўпаётганини кўриб қолдим.

– Тинчликми, онажон?

– Невараларимни соғиндим, тезроқ кетмасак бўлмайди, – дейди кўзига ёш олмоқдан бери бўлиб.

Энди онамни соғина бошладим. Акам билан уришиб қолсак, хивчин олиб жазо-лаганида «онажон, онажон», дея

Уш анда онамга атаб учта шеър ёзгандим. Ҳайиқа-ҳайиқа отамга қўрсатганман. Ҳаёл олиб қочиб (қаттиқ чарчаганимдан бўлса керак) тошга бошимни қўйган маҳал кўзим илинибди. Бир пайт кимдир ёрдам сўраб қичқиргандек бўлди. Қулоқ солсам қирғийларнинг овози. Улар қийқиришар, нималаргадир ишора қиларди. Кейин қайларгадир учиб кетди. Ўша томонга қарасам, сувнинг шалдираган овози эшитилди.

Қардалигимни ҳам унутиб хаёлланиб қолдим. Майсалар менга ҳамдард бўлаётгандек чайқалиб, эгила-эгила салом берган бўлди. Уларнинг

Уш анда онамга атаб учта шеър ёзгандим. Ҳайиқа-ҳайиқа отамга қўрсатганман. Ҳаёл олиб қочиб (қаттиқ чарчаганимдан бўлса керак) тошга бошимни қўйган маҳал кўзим илинибди. Бир пайт кимдир ёрдам сўраб қичқиргандек бўлди. Қулоқ солсам қирғийларнинг овози. Улар қийқиришар, нималаргадир ишора қиларди. Кейин қайларгадир учиб кетди. Ўша томонга қарасам, сувнинг шалдираган овози эшитилди.

Қардалигимни ҳам унутиб хаёлланиб қолдим. Майсалар менга ҳамдард бўлаётгандек чайқалиб, эгила-эгила салом берган бўлди. Уларнинг

жуссалари тоғ сайллари-дан пайхон бўлиб кетганди. Юқорига, харсангтошга умид билан термулдим. Балки у билар бу ердан чиқиб кетиш йўлини.

Харсангтошнинг юрагига қулоқ тутдим. Чўнг қоятошга тутшиб кетган кекса харсанг наъра тортиб юборишдан ўзини аранг тийиб турарди. Унинг бағрига бу ерга келганларнинг номи ўйиб ташланган. Йўлда кўрган тушимнинг таъбирини ҳам сўрамоқчийдим, иймандим. Савлатли чўққиларга термулдим. Сўнгги умидим улардан. Яқинлашганим сари ҳадигим ортарди. Оёқларим толиқди. Узоқдаги қишлоғимга термуламан, кўрган тушим нимага ишора?!

Қоятош мени мағрур тинглаб, секин хўрсиниб қўйди: «Сен бола эдинг, – деди оҳиста, – хув, қирлар бағри лолаларга безанганди. Одамлар уларни тағ-томри билан қириб ташлади, – бир ютиниб давом этди у. – Лолалар тепароққа, яна ҳам юқориоққа чиқаверишди. Пайхон қилинаверди. Ортимга боқ, нақадар гўзал. Мен лолаларни асраб турибман...»

Ишора қилган томонига итоткорона ўтдим. Шунда, шунда мўъжизага гувоҳ бўлдим. Чаман-чаман лолаларни кўриб, баҳри дилим очилиб кетди. Улар силкиниб-силкиниб, ўзига чорларди. Ташвишларим, орзуу ҳаёллар унут бўлди. Лолаларнинг ёнига узала тушдим. Улар менинг сочларимни силади, бири келиб қулоғимга пичирлади. Тўрт-бештага толиққан оёқларимни уқалашга тушди. Осмону фалақда, баркут булутлар устида кезаётгандек эдим.

Кун оға бошлади. Негадир лолалар билан хўшлашим келмасди. Эргаштириб кетишни истадим, унсиз жилмайиб рад қилишди. Табиат билан уйғунлашиб кетгандим. Сўзсиз тиллашардик. Қани эди бир-биримизни боғлаган ришта ҳечам узилмас. Севинчи ичига сиғмай қиқир-қиқир қилаётган қор эривудаги жилғалар менга йўлбошчилик қилди. Узундан-узун шаршара қишлоққа элтадиган энг яқин йўлни кўрсатиб турарди.

Азиз НОРҚУЛОВ,
журналист.

КО‘NGILGA HAM BIR QARAB QO‘YING!

Қачон қараманг, жуда бандмиз. Вақтимиз зиқ. Мудом шошганимиз шошган, ишлашим керак, улгуришим керак, ўзиб кетишим керак, қойиллатишим керак....

Охири марта қачон дастурхон бошида беамалол чой ичганимизни ҳам эслолмаймиз. Ахир бу ҳақда ўйлаш учун ҳам фурсат керак-да.

Дарвоқе, ўйлаш ҳақида. Кейинги пайтларда инсониятга берилган бу хусусият ҳам анча занглаб қолгандек. Чунки бу вазифани ҳам биз учун беминнат бажариб берадиган дастурларимиз бор-да. Кимдир, нимадир ҳақида фикр юритадиган бўлсак, миямизни эмас дарров қўл телефонимизни ёки компьютеримизни ишга солаемиз. Унда ҳамма нарса ҳақида етарлича маълумот бор.

Жон койитиб ўтиришга не ҳожат!

Тўғриси айтиладиган бўлсак, биз темир одамларга айланиб қолган эдик – ҳиссиз, туйғусиз. Бу туйғуларни ҳаракатга келтирадиган кўнгли эшигимиз эса тақа-тақ ёпилган. Ўзимиздан, ўз фойдамиздан бўлак ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ишимиз бўлмай қолди. Биз бир тўп бўлиб, аллақайларгадир шошилаётган очкўз оломонга ўхшаб қолдик. Нигоҳимиз хув осмонларга қадалган, оёғимиз остида эса нималар янчилаётгани билан ишимиз йўқ. Кўз тикканимиз – молу дунё уюми, оёғимиз остида топталаётган эса инсонийлик.

Биз ҳамма нарсадан кўз юмдик. Оламни мувозанатда ушлаб турадиган меъёрлар борлигини унутдик. Ҳаддимиздан ошиб кетдик.

Бир ўйлаб кўрайлик, бугун дунё ахлини ваҳимага солиб қўйган “корона-вирус” аталмиш бало аслида топталган эзгуликнинг, покликнинг одамзотга кўтарган исёнимасмикан? Вазият ҳаёт-мамотимиз билан боғлиқ бўлганида, кўзимизга жонимиздан бўлак ҳеч нарса кўринмас экан. Дарров бутун оламни забт этган Искандарнинг очик қолган қўллари эсимизга тушиб қолдию бошимизни ишдан кўтардик. Ҳаммасини бир четга йиғиштириб, бору эътиборимизни тиббиёт берган тавсияларни бажаришга қаратдик. Оғизу бурнимизни ниқобладик, гап сотишни, кўча-қўйда юришни камайитрдик. Деразаларни очиб хоналаримизга тоза ҳаво киритдик. Қўлларимизни, танаимизни, уйимизнинг ҳар бир бурчагини қайта-қайта

тозалашга киришдик. Анчадан бери бизнинг меҳру эътиборимизга муштоқ бўлган оиламиз, фарзандларимиз ва яқинларимиз учун вақт ажратдик.

Айни дамда бошқа бир муҳим нарса ҳақида ҳам яхшилаб мулоҳаза юритишга фурсат бор. Кўнгли уйига ҳам бир қараб қўйиш вақти етгандир балки? Унинг ҳам ҳою ҳавас, кибр, манманлик, шухратпарастлик ҳавоси билан тўлган хонасини шамоллатиш керакдир эҳтимол? Дунёни теранроқ англаш, яшамоқ моҳиятини тўла илғаш учун хира торган ойналарини тозалаш керакдир.

Бугун мен уйда қолиб, шулар ҳақида ўйлаяпман. Сиз-чи?

Ирода ОРИПОВА,
Бухоро вилояти

URUSH HAQIDA GAPIRMAGAN JANGCHI

Телеканалларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эъзоз ва эҳтиром кўрсатилаётгани, ҳар бирига маълум миқдорда пул, яна бир қанча имтиёзлар берилаётгани ҳақидаги хабарлар эфирга узатиляпти...

Қарийб юз билан юзлашган Абдулла ота кишлоғимиз одамлари ичида урушни ўз кўзи билан кўрган ягона инсон. Кунни кеча отанинг хурсандчилигига биз ҳам шерик бўлдик. Шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилган қанчалаб онахонларимиз бор орамизда. Шукри, улар ҳам бугун дориломон кунларда яшашяпти.

Отам Ҳамроқул бобо минглаб ватандошлари сингари умрининг икки йилини жанггоҳларда ўтказган. Жанглarning бирида ўнг оёғига ўқ тегиб совуқ олдирган. Муттасил уруш даҳшатини ёдга солиб турган оёқроғи отани ўттиз йилдан сўнг ҳаётдан олиб кетди. Оёғида ўқнинг бир бўлаги қолиб кетганини биз, фар-



Иулдошев Ҳамроқул (1920-1994) я

зандлар кеч билган эканмиз... Унинг оқ-қора рангдаги суратига тикиламан. Кўзлари аллақандай хавотирли туюлади менга.

Бир кунни ўзимнинг кундалигим

кўлимга тушиб қолди. Унда шундай сатрлар бор эди. "1974 йил. Шанба. Мактабда Ғалабанинг ўттиз йиллиги муносабати билан иншолар танлови эълон қилинди. Адабиёт ўқитувчимиз Салим ака иншо ёзиб келишни менга атайин тайинлади. Ҳа, мен ғолиб бўламан, чунки ҳозир бораманда дадамдан уруш ҳақида сўрайман. Энг зўр иншо меники бўлади, деган ҳаёл билан уйга келдим. Дадам колхоз еридан қайтганча, куннинг кўзи юмилганча ўзимни ғолиб ҳисоблаб юрдим. "Дада, урушда нималарни кўргансиз айтиб беринг, бугун...иншо...танлов", дейишимни биламан, дадам мени бир туртдию "Агар шу ҳақда яна бир оғиз гапирсанг, қулоғингни..." дедию жажл билан уйдан чиқиб кетдим. Дадамдан жуда хафа бўлдим. Икки оғиз айтсалар нима бўларди. Энди далага чиқмайман".

Отам уруш ҳақида, у ёқларда нималарни бошидан кечирганлари хусусида сира оғиз очмаган. Эҳтимол, уруш ҳақидаги бадиий асарлар бўрттириб ёзилмаганмикан, уруш синовлари, даҳшатлари ва қийноқлари ўз ҳолича кўчирилганмикан, деб ўйлаб қоламан

баъзан. Отам шу мавзуда гап очилса, кайфияти ўзгариб, тундлашиб, тўрслашиб қоларди. Бунинг сабабини ҳатто онам ҳам билмайдди. Назаримда, отам ўша машум хотираларни эсга олишни, шуурида қайта гавдалантиришни сира истамаган.

Отам ҳозир ҳаёт бўлганида бугунги кўрсатилаётган эҳтиромдан шодланиб кетарди, албатта. Бироқ қанча кўнглини кўтарсангиз ҳам уруш қатнашчиларининг кўзларидаги мунгни арита олмайсиз. У мунг урушдан қолган.

Ўйлаб қоламан: мустақиллик даври болалари кун келиб қарилгани бўйица олса, нигоҳида қандай маъно зоҳир бўларкин...

Мен урушни тасаввур этолмайман. Лекин унинг миллионлаб қурбонлари бўлишини яхши биламан. Ўтган асрнинг ёзувчидан дегани борки, уни асарларида тасвирламай қўймайди. Ўқиганлар йўғлайди, ичи туздай аччидай. Нега? Чунки урушга бош қўшган ҳар қайси ерда Ўткир Ҳошимовнинг Умри холадак қурбонлари борлиги учун.

Ўғил ой йўлдошева, Самарқанд вилояти.

ПЕТР BIRINCHINING QAYG'USI



Ривоят

Қилинишича, Пётр I ўлим тўшағида иккита нарсдан: Туркиядаги омадсизлиги ҳамда Бековичнинг Хивада қатл қилиниши қасосини ололмагани учун армон билан кетган экан", деб ёзади рус шоири Пушкин. Нима бўлган эдики, улкан салтанатнинг шаҳаншоҳи Пётр, ҳаттоки, ўлим тўшағида ҳам қанчадан-қанча зарур нарсаларни эслаш ўрнига, Хивадан қасд олишни васият сифатида эслаб ўтади? Буюк шоир қалами орқали эса, ушбу васият асрлар оша кейинги авлодларга етиб келади.

Пётр I йигирма уч ёшидан бошлаб, қандай қилиб бўлмасин, Хивадан Ёр-кентгача бўлган ерларни буйсундириб олиш, бойликлари ва олтин қумларини кўлга киритиш йўллари билан излаган экан. Шу йўл билан, Ҳиндистонга савдо йўлини очиб тўғрисида изчил ва бетиним ҳаракат қилгани тарихдан маълум. Пётр учун ушбу ҳаракатлардан бири жуда ҳам аянчли тарзда яқунланади. У Кавказ халқларини Россия империясига қўшиб олинишини ўта моҳирлик билан амалга оширган Бекович-Черкасский кўмондонлиги остида 1714-1717 йилларда бир неча маротаба Хива хонлиги чегараларига ҳарбий экспедициялар

уюштиради.

1717 йилнинг баҳоридан кузигача Бекович-Черкасский кўмондонлигидаги олти минг кишилик қўшин Красноводск қўлтиги ёнида ҳарбий қалъа қуриб, Хива томон юриш бошлашади. Манзилга етиб борганларидан кейин, хонга, сизларни Бухоро амирининг хавф-хатаридан химоялаш учун келдик, салтанатингиз яқинида ошён қурмоқчимиз, дейишади. Шу тариқа хиваликларни чалғитиб, асосий мақсадларини яширишга уринишади. Аммо Хива хони князнинг айёрлигини пайқаб, ҳийлага ҳийла билан жавоб қайтаради ва улкан қўшинни бир жойга жойлаштириш ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш хонлик учун оғир эканини баҳона қилиб, Бекович бошчилигидаги лашкарларни хонликнинг бешта шахрига бўлиб юборади. Режа амалга ошган, тўсатдан ҳужум уюшти-



риб, барчасини қириб ташлайди. Қўлга олинган Бекович-Черкасскийни эса 1717 йилнинг 29 августидан қатл эттиради. Бу воқеа, айниқса, князнинг қатл этилиши Пётрни қаттиқ изтиробга солади. Чунки, Александр Бекович-Черкасский унинг чўқинунига қадар, татарча Давлат-Гирей мирзо номи билан юрган) бўлиб, Пётрнинг амакиси уйда тарбия толган. Унинг Россияга қачон келиб қолгани аниқ эмас. Айтилишича, у болалик йилларида икки укаси билан биргаликда ўғирлаб Россияга келтирилган. Бошқа бир манбаларга кўра, гаров асосида олиб келинган тахмин қилинади. Ҳеч

ким отасининг ҳақиқий исмини билмайди. Фақат отаси бек, яъни княз бўлгани маълум. Бу маълумотларнинг барчаси ўн битта машҳур шарқшунос томонидан тайёрланган, 1986 йили Москвада Шарқ адабиёти нашриёти бош тахририяти томонидан босиб чиқарилган Посланик «Петра I на Восток. Посольство Флоридо Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах» номли китобда келтирилган. Аммо, 1971 йили чоп этилган «Ўзбек совет энциклопедияси»да Черкасский қўшинидаги (қўшин сони келтирилмаган) 60 га яқин казак балиқ овиға борганида, хиваликлар томонидан асирга олингани ва кетидан отрядга қўқисдан ҳужум қилингани, натижада, экспедиция тор-мор қилингани ҳақида маълумот берилади (134-135 бетлар).

“ Пётрдек императорни ўлим тўшағида ҳам “Оҳ!” дейишга мажбур қилган Хива хони Шерғозихоннинг исми бир оғиз ҳам тилга олинмаган. ”

ҳам Ўрта Осиёга турли миссиялар юборилди. 1714-1717 йилларда Пётр I Хива хонлигига Бекович-Черкасский экспедициясини жўнатади. Аммо, экспедиция муваффақиятсиз яқунланади”. Қўриб турганимиздек, Бекович-Черкасский экспедицияси ҳақида берилаётган маълумот бу китобда ҳам анча камбағалдир.

Пётр I ҳужумдорлигининг 30 йилини Ўрта Осиё ҳақидаги ўйлар билан ўтказган. У фақатгина Хивага уюштирилган экспедиция билан чекланиб қолмаган. Россия давлати хизматларини садоқат билан бажариб келган, асли Югославиянинг Рагуза шахридан бўлган, миллати италян Флоридо Беневенини 1718 йилда маълум мақсадлар билан Бухорога элчи қилиб юборади. Беневени 1722 йилнинг ноябрь ойида Эрон орқали Бухорога етиб келади ва уч йил у ерда яшаб, олдиға қўйилган вазифаларни аъло даражада бажаради. Қовун пўстлоғига Бухоро атрофлари харитасини туширади. Хива ҳамда Бухоро хонликларининг ўзаро муносабатлари, тилла қум ва бошқа мавзуларда кўпгина қимматли маълумотлар тўплайди. Имкон бўлди дегунча, бу маълумотларни ўз раҳлamosига етказиб туради. Пётрга юборилган хабарларда ўзбеклар ким эканлигини ҳам ўз нуқтаи назаридан шарҳлаб беради. Жумладан, у хатида, ўзбекларнинг совға-саломга сотилмаслиги ва шубҳали шахслар билан ошна-оғайнигарчилик қилмаслиги ҳамда ундайларни дўст тутмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу каби тарихий воқеалар Пётрнинг Ўрта Осиёга қатт қизиқиш билан ёндошганини яна бир бор тасдиқлайди. Хивада қолган аламини ўлим тўшағида ҳам тилга олишига келсак, буни бир умрлик қайғусидан тортаётган сўнги изтироб сифатида тушуниш мумкин.

Мансурхон ТОИРОВ, физика-математика фанлари доктори, профессор

QIZBOLA NOZIK NIHOLDIR

u avaylab parvarish qilinsa, millat daraxti

gurkiraydi

Юртимизда хотин-қизлар саломатлигига катта эътибор берилмоқда. Улардаги касалликларни олдини олиш ва мавжуд касалликларни даволаш борасида барча шарт-шароитлар мужассам. Бу борада айниқса, қизлар саломатлигига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки улар бўлғуси оналар, улар сабаб келажақда соғлом фарзандлар вояга етади ва тарбияланади. Хўш, бугун қизларимизнинг саломатлиги билан боғлиқ қандай муаммолар, касалликлар кузатибмоқда? Уларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бермоқ керак? Бу ҳақда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази кичик илмий ходими, ўсмир қизлар гинеколог Дилафрўз ҚУРБОНОВА билан суҳбатлашдик.



– Айтинг-чи, бугун қизлар гинекологиясига талаб қаттами? Буни қанчалик долзарб аҳамиятга эга йўналиш деб ҳисоблайсиз?

– Ҳа, қизлар гинекологияси тиббиётимизда янги очилган ва ривожланаётган соҳалардан бири. Бу соҳа келажагимиз, жамиятимизнинг ривожини учун жуда зарур. Чунки кўп бора таъкидланаётганидек, соғлом онадан албатта, соғлом фарзанд дунёга келади. Буни Президентимиз ҳам ўз нутқларида таъкидлаб ўтдилар. Шундан кейин болалар гинекологияси бўлимлари негизда Қизлар саломатлиги марказлари фаолият юрита бошлади. Қизларимизга малакали гинекологик амбулатор ёрдам кўрсатиш мақсадида барча туман ва шаҳарлардаги кўптармоқли марказий поликлиникаларда қизлар саломатлиги бўлимлари ташкил этилди. Ушбу марказлар қиз болалар ва ўсмир қизларга юқори технологик, ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий инфраструктурасини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди.

– Қизалоқлар ва балоғат ёшидаги ўсмир қизларда қандай гинекологик кузатилиши мумкин?

– Биласизми, оилада қиз фарзанд борми, онанинг зиммасига икки баробар масъулият тушиши керак. Чунки гулдан нозик қизларнинг тарбияси, соғлиги бир оз машаққатни ва эҳтиёткорликни талаб қилади.

– Ҳозирда бизга мурожаат қилаётган беморларимиз кўп. Касалликлар ҳам хилма-хил. Масалан, 7 ёшгача бўлган қизчаларда вульвовагинит – яъни ташқи жинсий аъзолари ва қинни яллиғланиши касалликлари ҳамда вақтидан олдин, эрта жинсий ривожланиши билан боғлиқ ҳолатлар кузатилиши мумкин. Балоғат ёшидаги ўсмир қизларимизда эса, жинсий аъзолар билан боғлиқ яллиғланиш касалликлари, ҳайз циклининг бузилиши; жинсий ривожланишдан орқада қолиш; тухумдонда, бачадонда ҳар хил хосилаларнинг пайдо бўлиши; жинсий аъзоларнинг нуқсонлари каби касалликлар кузатилиб турибди. Шундай экан, оналар қизларда юз берадиган ўзгаришларга эътиборли бўлиши, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши, маслаҳат бериши, уларнинг оқила ва соғлом бўлиб ўсишларига замин яратади.

– Қиз бола организмда айни балоғат ёши қандай ўзгаришлар кузатилади? Бу борада оналаримиз нималарга эътибор бериши кераклиги ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз...

– Балоғат даври қисқа муддатни ўз

ичига олса-да, ўсмир ҳаётида катта ўзгаришлар яшага қодир. Бу даврда тана аъзоларининг тузилиши ва фаолиятида сезиларли ўзгаришлар содир бўлади. Ўсмирларда ҳиссий беқарорлик ва жисмоний иш қобилиятининг пасайиши кузатилиб, ўсмир қонида жинсий гормонлар миқдорининг ортиши юз беради.

Қиз болаларда илк ҳайз вақтида

умумий аҳволнинг ёмонлашиши, ҳолсизланиш, оғриқлар кузатилиши мумкин. Аммо бу ҳайз даврини албатта ётиб ўтказиш керак, дегани эмас. Одам ўзини яхши ҳис қилаётган бўлса, одатдаги турмуш тарзини давом эттириши, эрталлабки енгил бадантарбия машқлари билан шугулланиши мумкин. Фақат бу вақтда жиддий ҳаракатлар билан рақс тушиш, сакраш, велосипед ҳайдаш, оғир юк кўтариш ман этилади. Асабийлашиш, узоқ масофага пиёда юриш, катта сув ҳавзаларида чўмилиш, иссиқ ванна қабул қилиш тавсия этилмайди. Қаттиқ асабийлашиш, оғир кўтариш, жисмоний зўриқиш каби ҳолатлар ҳайз циклининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Энди ҳайз кўра бошлаган қизлар сервитами, калорияли овқат истеъмол қилишлари, суткалик иш ва дам олиш тартибини бузмасликлари, руҳий ва жисмоний зўриқиш олмасликлари тавсия этилади. Ҳайз даврида қизлар ўзларини, айниқса, оёқлари ва қориндан паст қисмининг совуқдан сақлашлари лозим. Бунинг учун узун ва иссиқ кийимлар кийиш, зах жойларга ўтирмаслик керак.

Ҳайз кунларид

ўткир таомлар (қалампир, мурч, сирка, горчица) ейиш, газли, ширин ичимликлар ичиш ман этилади. Сийдик пуфаги ва тўғри ичак йўлларини ўз вақтида бўшатиб туришига алоҳида эътибор бериш лозим. Уларнинг тўлиб, тўсилиб қолиши бачадоннинг бекилиб қолиши, оғриқларнинг пайдо бўлиши ҳамда ажралишнинг кечикишига сабаб бўлиши мумкин.

– Айрим қизларда ҳайз келиши жараёни жуда оғриқли келиб, улар оғриқ қолдирувчи дори воситалари билан “тинчланишади”.

– Бу ҳолат ҳам касалликнинг белгисими?

– Маълумотларга кўра, бугунги кунда ҳар тўрт қиздан бири ҳайз кўрганда қовуқда пайдо бўладиган тортиштирувчи оғриқларни ҳис қилади. Агар ҳайз пайтида қиз оғриқдан ўрнидан тура олмаса, кўп қон кетса, турли оғриқ қолдирувчи дориларни ичмасдан мутахассис-гинекологга мурожаат қилиши лозим. Чунки ўзини-ўзи даволаш қўтилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Бу каби кучли оғриқ бир қанча гинекологик касалликларнинг, жумладан, жинсий аъзоларнинг нотўғри ривожланиши, ўткир ва сурункали яллиғланиш ва бир қатор бошқа касалликларнинг аломати бўлиши мумкин.

Бу борада ўсмир қизларга тўғри ташхис қўйиш шифокордан алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Юқоридаги касалликлар танада яширин кечади ва асосий аломатлари ҳар доим ҳам кузатилавермайди, шунинг учун ташхис қўйиш осон кечмайди.

– Ўсмир қизларда жинсий ривожланишдан ортада қолиш ҳам касалликми?

– Ҳа, муддатидан аввалги жинсий етилиш билан бир қаторда етилишдан ортада қолиш ҳам жиддий ва давосини ортага суриб бўлмайдиган гинекологик-эндокрин касалликлар сирасига киради. Жинсий етилишнинг кечикиши бир қанча омиллар: сурункали касалликлар, жисмоний оғир меҳнат қилиш, оғир кўтариш, турли стресс ҳолатларга тушиш сабаб бўлади.

– Яқинда қизларнинг жинсий аъзолари шамоллаши келажақда уларнинг бефарзанд бўлиб қолишларига сабаб бўлади, қабилидаги маълумотни ўқидим. Чиндан ҳам шундайми? Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Қизлар ўзининг шамоллаганлигини қандай билиши мумкин? Умуман, бўйи етган қизларга бу борада қандай маслаҳатларни берасиз?

– Чиндан ҳам, қизлардаги тез-тез шамоллаш касалликлари келажақда уларнинг бефарзанд бўлиб қолишларига замин яратади. Чунки яллиғланиш ҳам бачадонда, ҳам бачадон билан тухумдон орасида чандиқлар пайдо бўлишига, у эса ўз навбатида найчаларнинг бекилиб қолиб, бепушликка олиб келишига йўл очади. Бундан ташқари, қизлардаги сурункали шамоллашлар тухумдонларда поликистоз юзга келишига сабаб бўлади. Санаб ўтилган хасталиклар кўпроқ гормонал фон бузилиши ҳисобига келиб чиқади. Уларга қарши ўз вақтида зарур муолажаларни олиб бориш керак. Бу каби муаммоларнинг олдини олишда ҳар бир қиз ҳайз цикли меъёрини назорат қилиши лозим. Чунки меъёрдаги ҳайз цикли қизларнинг соғломлигини билдиради. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, меъёрий ҳайз цикли мунтазам равишда 21 дан 35 кунгача бўлиши мумкин. Агар бундан бошқача ҳолатлар кузатилса, у нотўғри цикл ҳисобланади.

Қизларда шамоллаш борлигини ҳайзининг оғриқли келиши ва турли ажралмалар пайдо бўлиши билан аниқлаш мумкин. Улар яллиғланиш ҳисобига келиб чиққан ўзгаришлар бўлиб, уни бартараф этишда зарур муолажалардан ташқари иммун тизимини мустаҳкамлаш талаб этилади. Шу билан бирга, истеъмолда кимёвий қўшимчалар билан бойитилган таомларни чеклаш, эндокрин тизимдаги ўзгаришларга аҳамият бериш ва 14 ёшдан бошлаб йилда бир марта махсус текширувлардан ўтиб туриш керак.

К. АҲМЕДОВА
суҳбатлашди.

NOSHIRLAR HADDILARIDAN OSHIRLAR

Бугун китоб ўқишга ташна китобхонлар ҳам, мазмунли китобларга тўлишни хоҳлайдиган кутубхоналар ҳам мавжуд. Бироқ, китоблар-чи? Уларнинг савияси, нашр қилиниш талаби етарли даражадамикан? Мамлакатимиздаги жамики нашриёт борки, аввало миллат маънавиятини ўйлаб китоб маҳсулотларини тайёрлашга ҳаракат қилсагина мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўғри, намунали фаолият юритаётган нашриётлар талайгина. Масалан, «Янги аср авлоди», «Мухаррир» каби нашриётлар фаолияти жуда яхши. Бироқ, китобнинг олдию орқасига қарамай нашр қилиб, тезроқ моддий манфаат кўришни хоҳлайдиган наширларни ҳам йўқ деб, айта олмаймиз. Ёдингизда бўлса, 2019 йилнинг сентябрь ойида «Романи қиссага айланган ноширлар» сарлавҳаси остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда машҳур ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романини «қисса» деб нашр қилган



ва бу иши билан ноширлик соҳасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада «ихтиро» қилган «Адабиёт учкунлари» нашриёти ҳақида сўз кетган эди. Уша мақола «Оила ва жамият» газетасида чоп этилганидан сўнг, битта ҳам хат келмади ёки ҳеч бўлмаса танқид қилинган нашриётдан биргина мурожаат ҳам йўлланмади, десам ишонасизми? Афсуски, ишонинг, бу ҳақиқат. Яқинда бир гуруҳ фаол ёшлар би-

лан Гулистонда учрашдик ва келгусида амалга оширилиши керак бўлган лойиҳалар ҳақида суҳбатлашиб олдик. Гуруҳимизнинг энг ёш аъзоси ҳисобланган Сирдарё туманидаги мактаб ўқувчиси Гуласалнинг кўлида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига кўзим тушди. Гуруҳимиз билан аввалроқ Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романини ўқишга келишиб олган эдик. Қолганларга ўрناк бўлсин деб, «Мана кўрпясизми, Гуласал «Меҳробдан чаён»ни ўқиб бўлиб, «Кеча ва кундуз»га ҳам ўтибди. Биз эса, ҳалигача битта китобни ўқиб тугатмадик», тарихида ўз фикрларимни айтдим. Шунда Гуласал, «Ёрқин ака, бу китоб «Меҳробдан чаён» китоби», деб қолди. Очиғи, бу қизни устимдан кулаётганига аччиғим келди. «Ана, муқовасида «Кеча ва кундуз» деб ёзилган-ку. Нега куласан ёки мени кўзи хира кўради деб, ўйлаясанми?», деб ранжидим. Шу пайт, Гуласал китобни қўлимга тутди. Муқовадан кейинги варақларни очиб кўрсам, ҳақиқатан ҳам ичи «Меҳробдан чаён»у, усти «Кеча ва кундуз» экан. Мана яна битта ихтиро. 2019 йилда Тошкентдаги «Илм-зиё-заковат» нашриётида тайёрланган ва «ADAD-PLYUS» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилган икки китобнинг «қоршишмасини нима деб номлашни билардим, десам ишонлаб разм солдим. Чунки, кутубхоначи китоб муқоваси йиртилганидан сўнг,

алмаштирамаганмикан десам, йўқ, нашриётнинг ўзи шундай чиқарган экан. Буни китобни кутубхонадан ўқиб туриш учун олган Гуласал ҳам тасдиқлади. Афсус, яна 1000 нусхада чоп этилган бу китоб.

Мана, эътиборсизликнинг, масъулиятсизликнинг оқибати нималарга олиб келмайди экан. Нашрга тайёрловчилар ёки ҳеч бўлмаса босмаҳонада чоп этадиганлар усти бошқа ному ичи бошқа китоб эканлигига эътибор беришса бўлмайдемикан? Яхшиси, бу саволни қоршиша нашр учун масъул бўлган ноширларнинг ўз виждонига қолдираимиз.

Лекин, бир ўйлаб кўринг-а, бу китобни қанча ўқувчи «Кеча ва кундуз» деб сотиб олиб, аслида бошқа асар эканлигини кўриб хуноб бўлган экан? Ёки қанча киши нашриётларнинг масъулиятсизлик билан ёндашганлигини кўриб, аччиқланган экан? Худо сақласину бу китоб биронта чет эллик танқидчи ёки адабиётчи қўлига тушиб қолса нима бўлади? Бу саволларни ҳам «Илм-зиё-заковат» нашриётининг масъулларига тақдим этамиз ва хулоса ўрнида шунни айтаемизки, агар Чўлпон билан Қодирий ҳаёт бўлганида, Сиздан жуда хафа бўлган бўлар эди, ҳурматли ихтирочи «нашриётлар».

Уларнинг ўрнига ҳам бизлар хафамиз.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВЕВ,
Мирзаобод туманидаги
15-мактаб ўқувчиси.

Nazm

VOLIDAYNNOMA

(Turkumdan)

Султон МУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ҚОР, ҚУЁШ
(Ота-она қабридаги ўйлар)

Сув била ўт, еру кўкдир қор, Қуёш,
Кўзни элтар ялтираб
бир қор, Қуёш.

Қиш мазорот кезмадим
йиллар кечиб,
Ўтган умрим эсга келтир,
қор, Қуёш.

Кўзга ёшлар тўлди охир-оқибат,
Нур уза нур учса пир-пир қор, Қуёш.

Билмадим несоғаринг мастайлади,
Роз сўйлай, боз тўлдир, қор, Қуёш.

Отам-онам тупроғи жаннатмикан,
Оҳ, мазорот бунча дилгир,
қор, Қуёш?

Дам ганимат, умр ўтар бир ялтиб,
Ўтса ўтсин, шунда ўлдир,
қор, Қуёш.

Сўнгмакон бўлса шунингдек
бирмакон,
Бир ёни сой, бир ёни қир, қор, Қуёш.
Эй Зарафшон, кел,

мурод султони, бўл
Кўзёшимдан сен Аму, Сир,
қор, Қуёш.

ОСЮНА
Жаннат оналар оёғи остида. Ҳадис

Онамнинг хокипойи, оҳ,
Менга остона-остона,
Менга остона-остона.

Шу покикки оёқ ости,
Ватан расмона-расмона,
Ватан расмона-расмона.

Агар битсам, қоғоз етмас
Неча достона-достона,
Неча достона-достона.

Тополмасан бўлак бир меҳр,
Наҳот, дўстона-дўстона,
Наҳот, дўстона-дўстона.

Мени бу меҳр олиб чиққай
Била осмона-осмона,
Била осмона-осмона.

Шу юксак буржга етсам,
Учиб мастона-мастона,
Учиб мастона-мастона.



Тўлгонаман, тўлгонаман,
Тонг опмаси уйгонаман.
Ҳам куч тилаб, қувват топиб,
Мингшга ҳам шайлонаман.

Тўлгонаман, тўлгонаман,
Гоҳи, шуқур, шодлонаман.
Ўтган кунимга: «Ҳайфи!» – деб,
Тун бўйгоҳга гамхонаман.

Тўлгонаман, тўлгонаман,
Гоҳ худу гоҳ девонаман.
Минг бир муаммони ечиб,
Бир ишда кўп ҳайронаман.

Тўлгонаман, тўлгонаман,
Бот-бот кўйиб, доғлонаман.
Шундай Яратганни кўйиб,
Бир бандага боғлонаман.

ЧАРХПАЛАК
Даврон алмашинар кетма-кет,
бир-бир,
Сен, ўғлим, бардам бўл,
қароғим, кўзим.
Балки, сени баҳор лоҳас қилгандир,
Мени эса ҳолдан тойдирди кузим.

ОПА МАСЛАХАТИ
Баланд дорга осилма,
Сен ҳаётни кўр, кузат.
Оёгингни, жон ўғлим,
Кўрпанга қараб узат.

Қуёшни кўй, куйдирар,
Чиқармагин бир чақин.
Ойни олиб бераман,
Ерга, асли, Ой – яқин.

Бу бахтимни кўриб жаннат
Куяр қасдона-қасдона,
Куяр қасдона-қасдона.

*БАНДАЛИК ВА
БАНДИЛИК*
Зиндағи ояд барои бандағи,
Зиндағи бевандағи – шармандағи.
(Тириклик бандалик учун берилди,
бандалик қилмай яшаш – шармандалик.)

Жалолiddин РУМИЙ
Тўлгонаман, тўлгонаман,
Машраб қаби чулгонаман:
Мен на фаршита, на малак,
На бандаликдан тонаман.

Тўлгонаман, тўлгонаман,
Гўё Самандар – ёнаман,
Қор қилмағай, Қор кимсадек
На мис-соеўққа қонаман.

Oila va jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла
ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш”
ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учув” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга
олинган. Вуяортма Г – 536. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ.
Адади – 2220. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

